

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ВЕТЕРИНАРИЯ, ЗООТЕХНИЯ ВА ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ФАКУЛТЕТИ
5140900 – Касб таълими (Зоотехния) йуналиши

ДАВЛАТОВА ТУРСУНТОШ АДУАЛИМ ҚИЗИНИНГ
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: «Турли усулларда сақланган сигирларнинг
махсулдорлигига ҳаво кўрсаткиларининг таъсири ва мақзуни
ўқитиш усули»**

Илмий раҳбар, доцент

Мусинов Я.

**Ветеринария, зоотехния ва
қорақўлчилик факултети
декани, доцент _____
Н.О.Фарманов
«_____» _____ 2014 йил**

**“Яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни
озиклантириш технологияси” кафедраси
муdiri, доцент _____ Яхяев Б.С.
«_____» _____ 2014 йил
№ _____ - сонли йиғилиш баёни**

САМАРҚАНД – 2014

М У Н Д А Р И Ж А

	<i>бет</i>
Кириш	4
1.1. Мавзунинг долзарблиги	4
1.2. Мавзунинг илмий – амалий асосланиши	4
II. Илмий адабиётлар таҳлили	7
III. Хўжалик фаолиятининг таҳлили	15
IV. Муаммоларнинг қўйилиши, қўлланилган услубиятлар	20
V. Мавзунинг ечими ва матнда ёритилиши	23
VI. Бузоқларни сақлаш, боқиш ва озиклантириш	30
VII. Ўтказилган тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги	37
VII. Бузоқларнинг чидамлигини оширишда сақлаш усули ва озиклантиришнинг роли ва ўқитиш услуги.....	41
IX. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик муаммолар.....	48
X. Хулоса ва тақлифлар.....	58
XI. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59
Интернет маълумотлари	

КИРИШ

1.1. Мавзунинг долзарблиги

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ижтимоий таркиби тубдан ўзгармоқда. Ундан нодавлат секторларининг ўлиши ортиб бормоқда. Бугунги кундан хўжалигининг бир қисми бўлган чорвачиликдир. Чорвачиликни ривожлантиришда деҳқон фермер хўжаликларнинг ташкил этилиши зооветеринария мутахассислари олдига янги вазифаларни қўймоқда яъни қишлоқ хўжалик ҳайвонларни сақлаш, асраш, боқишни чуқур ўрганмай туриб, хўжаликларда соғлом ва сермаҳсулот молларни бош сонини оширишга ҳисса қўшмайдилар. Маълумки, чорвадорларнинг асосий вазифаси аҳолини чорва маҳсулотлари эса қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашдир. Ҳайвонларни сақлашда, асрашда боқишда ва улардан фойдаланишда, янги технологияларни кенг жорий этган хўжаликларда меҳнат унумдорлигини ошириб маҳсулотнинг таннархи 20-30% га камаймоқда. Шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишининг бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига сақлаш усулларни таъсирини ўрганиш бўйича кузатишлар олиб боориш, хулосалар қилиш, ишлаб чиқаришга таклифлар бериш муҳим аҳамиятга эга.

1.2. Мавзунинг илмий амалий асосланиши

Ўзбекистон Республикаси аграр мамлакат бўлганлиги учун ҳам деҳқончилик билан бир вақтда чорвачилик ҳам ривожланиши лозим. Чунки бу иккала тармоқ бир бора боғлиқ ҳолда уйғунлашиб ривожланади. Шунинг учун ҳам Республикамиз хўжаликларида чорва молларини бошқа тармоғи ривожланган давлат ва жамоа хўжаликлари камайиб нодавлат хўжаликлари ва шахсий хўжаликлар кўпайган. Республикамизда чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири қорамолчиликдир.

Мамлакатимиз хўжаликларига ўргатиш учун қизил чул қора-ола қизил естон, санта-гертруда, абердин ангус, қозоқи оқ бош, сут-гўшт ва гушт йўналишидаги зотлар режали ҳисобланади. Бугунги кунда

қорамолчиликни ривожлантириш учун маълум бўлган чорвадорлар олдида турган асосий мақсадлар насилчилик иши, қорамолларни туёқ сонини ошириш учун ёш моллар етиштириб бериш ишларини мукамлаштирилган тизимини ишлаб чиқариш. Озиқаларни сақлаш, консервасиялаш, қайта ишлов бериш ва озиқлантиришга таёрлашнинг услубларини мукаммаллаштириш зарур.

Қорамолларнинг зоти, ёши, махсулдорлиги хусусиятлари ва асраш, сақлаш шароитларни ҳисобга олган ҳолда озиқлантириш мавсумларини ташкиллаштириш. Ўрта осие иқлим шароити айниқса Ўзбекистон Республикаси шароити тез ўзгарувчан бўлиб доимий емас, киши куруқ, совуқ, боҳори ёмғирли, ёзи жуда иссиқ намлиги паст ҳисобланади. Шунинг учун хайвонлар доимо ташқи муҳит тасиротлари тасирида учраб, қайсини ўсиш ва ривожланишини ҳамда табиий чидамлилиқ қобилиятини ўзгартиришга сабабчи бўлади.

Турли хил ташқи муҳит таъсиротлари хайвонларни доимо шу таъсиротларга мослашишини жавоб бериши учун организм ўзининг мослашиш механизмларни кучайтиришга ҳаракат қилади.

Қора-ола зотли сигирлардан олинган бузоқларни иссиқ иқлим шароитига жойлаштириш ва улардан юқори, сифатли махсулот олиш, турли хил касалликларга чидамлилиқ қобилиятини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Иссиқ иқлим шароитларида шимолий минтақалардан олиб келинган зотлар молларни янги иқлим шароитларига мослашганлиги туфайли бундай хайвонлар учун қулай шароитларни яратишни тақозо қилади. Шунинг учун бундай шароитда аргинизм билан ташқи муҳит уртасидаги муносабатни урганиш ҳамда илмий асосда эришиш кераклигини талаб қилади.

Шунинг учун бизлар иссиқлик шароитида қора-ола зотли бузоқларнинг ўсиш ва ривожлантиришни ўзгартириб уларни сақлаш боқиш усулларни яхшилаш буйича тафсиғномаларни жорий қилишни мақсад қилиб олдик навбатдаги енг устивор вазифа бу мамлакатимизни

модеринизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш инфиратузилмасини янада ривожлантиришдан иборат.

II. Илмий адабитлар таҳлили

Ташқи муҳит ҳарорати билан ҳайвонлар организмига ўртасидаги иссиқлик алмашинуви тесқари қарама - қаршилиқ бўлиб ҳаво ҳароратининг пасайиши ҳайвонлар организмида модда алмашиниш жараёнининг

кучайишига, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши модда алмашинувининг пасайишига олиб келади. Чорва молларини бош сонини кўпайтириш ва унинг махсулдорлигини ошириш учун фақатгина тўйимли озиқа билан таъмиглаш бўлмай, балким молхоналар куриш, микроиклим кўрсаткичларини меёрида сақлаш, ҳайвонларни сақлаш шароитлари, қораб асраш, энг қулай санитария – гигиена тадбирларига жавоб бериши билан биргаликда ҳайвонларнинг тўғри сақлашни ташкил этиш билан ҳам боғлиқ натўғри сақлаш натижасида – касалликларга чалиниши хавфи ҳам кучаяди, кўпайиш хусусияти ва махсулдорлик пасаяди, махсулот бирилиги учун сарфланадиган озиқа харажатлари кўпаяди. Микроиклим кўрсаткичлари талабга жавоб бермаса, ҳайвонларни махсулдорлиги 20-25 % га камаяди. Ҳайвонлардан фойдаланиш муддати ва молхоналардан фойдаланиш (ишлатиш) вақти камаяди.

Табиий иқлим хусусиятларига кўра ҳар хил зоналарда микроиклим кўрсаткичларини нормаллаштириш тўғрисида жуда кўплаб маълумотлар тўпланган. Бу маълумотлар А.П. Онегов, И.Ф. Храбустовский, В.И. Черных, (1984), Семенюта А.П., (1987). Бундан ташқари бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига сақлаш усуллари ҳам таъсир қилади. Молхоналарда ҳаво ҳароратининг ўзгариши ҳаво таркибидаги зарарли газларнинг миқдорининг кўпайиши ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши молхоналарда зарарли газларнинг кўпайишига олиб келади. Бу эса ҳайвонларнинг махсулдорлигини пасайишига сабабчи бўлади. Биноларда нисбий намликни 90-95 % бўлиши ва ҳарорат $+8 + 10^0$ С бўлганда организмда азотнинг хазм бўлишини пасайиши ва қон таркибидаги шакилли элэментларининг камайишига озиқа сарфининг кўпайишига ва бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир қилади.

Ҳайвонлардан фойдаланиш муддати ва молхоналарни ишлатиш вақти камаяди. Табиий иқлим хусусиятларига кўра ҳар хил зоналарда микроиклим кўрсаткичларини меъёрлаштириш тўғрисида жуда кўплаб маълумотлар тўпланган. Бу маълумотлар Онегов А.П., И.Ф. Храбустовский, В.И. Черных, (1984), Волков Г.К. (1995), Семенюта А.П., (1987), Рўзиев Ш.М. (2005 - 2010), Мусинов Я.Х., А.Ж.Чалабаев (2005 – 2010) Тугалов Б.А. Солахиддинова

Х.,(2009) ва бошқалар. Бундан ташқари сигирларнинг сут маҳсулдорлигига сақлаш усуллариغا молхоналарнинг турлари ҳам таъсир қилади. Ҳайвонлар организми ташқи муҳит билан чамбарчас боғланган бўлиб, ташқи таъсирсиз ҳаётни бўлиши мумкин эмас. Ҳайвонлар организмига ташқи муҳит таасуротларидан айниқса, ҳаво муҳити маълум даражада таъсир кўрсатади. Шунинг учун молхоналарда ҳайвонлар организми учун меъёр даражаси микроиклим кўрсаткичларини ташкил етиш, сақлаш усуллари яхшилаш ва бошқа яъни боқишни тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Микроиклим – бу маълум бир чегараланган иқлим шароитига айтилиб, ўзига ҳавонинг физикавий, химиявий ва биологик хоссаларини йиғиндисига айтилади. Микроиклим кўрсаткичларга ҳайвоннинг ҳарорати, босими, намлиги, ҳаракат тезлиги, ёруғлиги, турли хил зарарли газларнинг миқдори, микроблар ва чанглар киради. Микроиклим кўрсаткичлари асосан иқлим шароитларига об – ҳавога, молхонанинг турига, қандай қурилиш материалларидан қурилганлигига ва ҳавонинг алмаштириш турларига боғлиқдир.

Ҳайвонлар организмига бошқа иқлим кўрсаткичлари қатори ҳавонинг намлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳаво намлигининг 85 % юқори бўлиши организмдан иссиқлик ажралишига салбий таъсир кўрсатади. Ҳаво таркибида намликнинг кўп бўлиши иссиқликни нормаллашишини камайтиради. Намликни ва ҳароратни юқори бўлиши иссиқлик ажралишини камайтиради натижада организм қизиб кетади. Натижада модда алмашинуви пасаяди, иштаха йўқолади, ҳайвонлар бўшашади маҳсулдорлиги камайиб турли хил юқумли касалликларга жидамлилик қобилияти пасайиб юқумсиз касалликларга берилувчан бўлиб қолади. Юқори намлик ва ҳароратнинг паст бўлиши ҳайвонлар организмига салбий таъсир қилади. Нам ҳавонинг иссиқлик қабул қилиши қуруқ ҳавога нисбатан ўн баробар юқори бўлади. Натижада қуруқ ҳавога нисбатан нам ҳаво кўп иссиқликни қабул қилиб олади. Юқори намлик паст ҳарорат билан биргаликда иссиқлик ажралиши кўпайтиради организмнинг совиб кетишига ва шамоллаш касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади. Айниқса ёш моллар бундай ўзгаришларга сезувчан бўладилар. Шунинг учун

хайвонларни нам, зах биноларда сақлаш буруннинг яллиғланиши, бронх ва ўпка касалликларини келиб чиқишига сабабчи бўлади ҳамда ошқозон-ичак, мастит, туберкулёз, трихофития каалликлари ҳамда моларнинг маҳсулдорлигини камайиб кетишига олиб келади.

Юқори намлик ва хаво ҳароратининг ўзгариб туриши хайвонларнинг физиологик ҳолатига маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Рўзиев Ш.М., Т.Р.Исмаев (1982, 2005), Сувонқулов Ю.А. (2003), Қўлдошев О., Д.Эшимов (2009) кузатишларида Самарқанд вилояти хўжаликларида иссиқ иқлим шароитида молхоналарида ва яйраш майдончаларида ҳароратни пасайтириш чоралари (айвонлар, бостирмалар) дан фойдаланилганда яхши натижалар олинган.

О.Қўлдошев, Д.Эшимов (2007) Я.Х.Мусинов, А.Чалабаев, (2010) лар ўз илмий изланишларида шундай хулосага келишганки, юқори ҳаракат ва қуёш радиацияси сигирларнинг сут маҳсулдорлигини камайишига сабабчи бўлган. Сигирларни бир ҳафта давомида қуёш нурлари остида яйраш майдончасида сақланиши, уларнинг сут маҳсулдорлигининг 33% га камайишини кузатганлар. А.Т. Семинюта (1992) аниқлашича сигирлар учун оптимал микроиқлим кўрсаткичларини ҳамда сақлаш усуллари тўғри ташкил қилиш билан бирга тўйимли озуқалар билан таъминлаш натижасида сигирларнинг маҳсулдорлиги 40 – 70% юқори бўлган микроиқлим кўрсаткичларини тўғри ташкил қилинмаган хўжаликларда бузоқлар ўртасида 5 – 40% касалланиб ўлиш ҳолатлари кузатилган. Ахметов И.З. (1967) сигирларнинг турли муддатларда туғиши юқори ҳарорат ва қуёш энергиясига боғлиқ бўлиб, сигирларда тана ҳарорати, нафас олиши ва юрак ишини ўзгариши ҳамда озуқа истеъмол қилишининг пасайиши кузатилган. Сут маҳсулдорлиги 12,5% га сутдаги ёғ миқдори 13,4% га камайиши кузатилган.

В.М.Юрков (1982) кўрсатишича ёруғлик коэффициенти 12,7% бўлганда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги физиологик ҳолати ва табиий чидамлилиги юқори бўлган. З.Нечаева (1984) икки хил қурилиш материалларидан қурилган молхоналарда ўтказилган тажрибаларда шундай хулосага келган. Ёғочдан

қурилган молхоналарда микроиқлик кўрсаткичлари бетондан қурилган бинога нисбатан оптимал бўлган ва сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 16% га юқори бўлган. С.И.Пляшенко, В.Т. Сидоров (1976) кўрсатишича биноларда нисбий намлик 60 – 70% бўлганда ҳайвонлар организмида салбий ўзгаришлар учрамаган, лекин инсбий намлик 85% дан юқори ва бино ҳарорати паст бўлганда организмдан иссиқлик ажралиши кўпайиб, маҳсулдорлик пасайган.

Ҳайвонлардан юқори маҳсулот олиш чидамлилик қобилятини юқори бўлиши озуқа сарфини камайиши учун чорвачиликда иқтисодий томондан ҳайвонлар сақланадиган биноларда ҳаво ҳароратини фарқсиз ҳолатда сақлаш мақсадга мувофиқдир (С.И.Пляшенко, В.С.Сидоров 1979) Ҳайвонлар организмига ҳаво ҳароратининг паст булиши маълум даражадаги ўзгаришларни келиб чиқишига сабабчи бўлади. Узоқ муддат давомида ҳайвонларни молхоналарда сақлашда организмга паст ҳароратнинг тасири натижасида иссиқликни ҳосил булишига қараганда сарфланиши юқори булиб организмни совуб кетишига олиб келади. Натижада ҳайвонларнинг тана ҳарорати пасайиб оксидланиш жараёнлари секинлашади, ҳайвонларнинг юқумли микробларга чидамлилик қобиляти пасаяди, қон таркибидаги лейкоцитлар, фагоситлар активлиги, қон зардобининг бактиресид активлиги 4-ойлик ёшига келиб 1-гуруҳ тажрибадаги чучқалар ўсиши 14.3 % камайиб, 1 кг ўсиши учун озиқ сарфи 2| - гуруҳига нисбатан 14.4 га, касалланиш ҳолати 25 % га юқори булганлигини А.П.Онегов, В.И.Черных ва бошқалар (1984) аниқлаганлар. Текширишларида ҳавонинг ҳарорати ва юқори намлиги булган молхоналарда сақлаганда ёш ҳайвонларнинг ўртача кунлик ўсиши 9.6-28% га камайиб, озуқа сарфи 12-30% га, касалланиш ҳолатлари 1.5-2 баробарга юқори булган. Т.В.Голубева (1979) чучқахоналарда ёш чучқалар учун ҳароратни $+21^{\circ}\text{C}$ - 13°C га нисбий намликни 72-74%, ҳаво ҳаракатининг тезлиги 0.11-0.13м/с булиши чучқа болаларининг табиий чидамлилик қобилятининг пасайиши натижасида улар ўртасида 6.6-23.2% касалланишини ўз тажрибаларида аниқлаганлар. Олимларнинг кузатишларида молхоналар ҳавосининг ҳароратини 19°C - 5°C

га совиши ёш молларнинг ўртача кунлик ўсишини 2% (А.П.Онегов 1984), критик ҳолатдан пастга тушиши 4% га камайишини, иссиқлик ҳосил бўлиши 21.4% юқори бўлиб озукани кўп сарфланишини кузатган. Ю.М.Марков (1981) ўз текширишларида молхоналарда ҳаво ҳароратини мутадил даражада сақламаслик натижасида кўпгина хужаликларда ҳайвонларни маҳсулдорлигини 20-50% гача камайишини аниқлаган. Паст ҳароратга ёш ҳайвонлар чидамсиз бўлади, айниқса чучқа болалари чунки улар организмида иссиқликни фезикавий бошқарилиши жуда кам ривожланган бўлиб тери ости ёғи йўқ жун қоплами кам. Шунинг натижасида улар ўзини совуқ ҳарорат тасиридан яхши туғилган чучқа болалари учун энергия манбаи онасининг сути ҳисобланади. Чучқа болаларни сақлайдиган чучқахонада ҳарорат 18°C - 20°C бўлиши керак, ҳароратининг $+12^{\circ}\text{C}$ га пасайди, натижада қон таркибининг ўзгаришига, организмнинг табиий чидамлилиқ қобулиятининг пасайишига олиб келади. Чўчка болалари турли юқумли ва юқумсиз касалликларга чалинувчан бўлади Торпоков Ф.Г. (1980), С.И. Плященко, И.И. Хохловалар (1976) ўз тажрибаларида 3-гуруҳ она чўчкалари ва болалари ажратилган ҳолда икки хил ҳароратга сақланганлар. Икки хил бинода яйратмасдан сақланган.

1-гуруҳ она чўчкалар учун ҳарорат $+16^{\circ}\text{C}$, болалари учун $+27-29^{\circ}\text{C}$ ҳароратига камайтириб 1- ойлик ёшда $+22^{\circ}\text{C}$. 2-гуруҳ она чўчкалар болалари билан бир хил ҳароратда $+16^{\circ}\text{C}$; 3-гуруҳ она чўчкалари болалари билан $+8-10^{\circ}\text{C}$ яйрашга чиқарилмай сақланганда чўчка болалари ўртасида 8-ҳафталик ёшда 1-гуруҳда - 2,9%; 2-гуруҳда 11,8%; 3-гуруҳда -27,8% чўчка болаларини касалланиб нобуд бўлиши кузатилган. Ш.М.Рўзиев, Т.И. Исматов (1982–2006), Ю.И.Суванкулов (2003) кузатишларида Самарқанд вилояти хўжаликларида иссиқ иқлим шароитида молхоналарда ва яйраш майдончаларида ҳаво шароитининг пасасайтириш чораларидан (айвонлар бостирмалар) фойданилганда бузоқларни кунлик ўсиши ва сигирларнинг маҳсулдорлигини ошганлигини аниқлаганлар.

Иссиқ иқлим шароитида молхоналар муайян микроиқлим кўрсатишларини сақлаш ҳайвонларни махсулдорлига, табиий чидамлилиқ қобилятини (У.К.Избосаров, Я.Х.Мусинов (1995, 2003, 2005) Қулдошов О.У., Д.Эшимов (2009) ўз илмий изланишларида қорамолларнинг сақлаш усулига ва йилнинг фаслларига қараб ўзгариб боришларини кузатганлар. В.И. Родин, Е. А. Гогилева (1996) молхона ҳавосининг ҳарорати $+21^{\circ}\text{C}$ - 16°C гача камайиши молхоналарда сақланган қорамолларнинг клинко-физиологик курсаткичларининг меъёрида кечиши ва махсулдорлигини юқори булишини кузатган.

А.Тарвидос., Б.Бакутус (1990 илмий изланишларида шундай хулосага келишганлар юқори ҳарорат ва қуёш қуёш радижасияси сигирларнинг сут махсулдорлигининг сабабчи булган. Сигирларни бир ҳафта довимида қуёш нурлари остида яйраш майдончасида сақланиши уларнинг уларнинг сут махсулдорлигини 33% га камайишини аниқлаганлар. С.Нуралиев (1995) ўз илмий изланишларида молхона ҳароратининг $+23$ - 26°C га кутарилиши қорамолларнинг тана ҳароратининг 0.5°C га юқори булиб сигирларнинг махсулдорлигига тасир курсатганлигини аниқлаган. Микроиқлим курсаткичлари ҳайвонларни ўстириш боқиш сақлаш усуллар тушамаларнинг турлари ва сифати Ҳ.И.Солдатенков (1988) курсатишича бино ҳароратининг ҳар $+1^{\circ}\text{C}$ га ўзгариши ва 26°C дан юқори булиши сигирлар тана ҳароратини $0,2^{\circ}\text{C}$ га кўтарилишини ва улар организмда клинко-физиологик ҳолатларнинг ўзгаришига сабабчи бўлганлигини аниқлаган.

3. Нечаева (1984) икки хил қурилиш материалларидан ғиштдан ва темир бетондан қурилган молхоналарда ҳавонинг ҳарорати ғиштдан қурилган бинода меерида сақланилганлиги учун сигирларнинг сут махсулдорлиги битондан қурилган молхиналарда сақланган сигирларга нисбатан 16% га юқори бўлган М.П.Погребняк (1982) тажрибасига кўра молхона ҳавосининг ҳар хил ҳарорати молхоналарда сақланган ҳайвонларнинг физиологик курсаткичларига таъсир қилиши аниқланган И.К. Колесников

(1977) биноларда ҳароратинг $+23^{\circ}\text{C}$ га кутарилиши ҳайвонларда иссиқлик алмашинувининг бузилишига олиб келиши 5.6 марта, юрак уриши 100 марта гача, тана ҳароратини кутарилганлиги аниқланган.

Ҳайвонлар организмга бошқа иқлим курсаткичлари қатори ҳавонинг намлигини 35% юқори булиши организмдан иссиқлик ажралишини салбий таъсир курсатади. Ҳаво таркибида намликнинг кўп булиши иссиқликни парланишини камайтиради. Намликни ва ҳароратни юқори булиши иссиқлик ажратилишини камайтиради натижада организм қизиб кетади. Натижада модда алмашиниву пасаяди, иштаха юқолади, ҳайвонлар бушашади маҳсулдорлиги камайиб турли хил юқумли касалликларга чидамлилик қабулоти пасайиб юқумсиз касалликларга берилувчи булиб қолади. Юқори намлик ва ҳароратининг паст бўлиши ҳайвонлар организмга салбий таъсир қилади. Нам ҳавонинг иссиқлик қабул қилиши қуруқ ҳавога нисбатан 10 баробар юқори булади. Натижада қуруқ ҳавога нисбатан нам ҳаво кўп иссиқликни қабул қилиб олади. Юқори намлик паст ҳарорат билан биргаликда иссиқлик ажралиши кўпайтиради организмнинг совуб кетишига ва шамоллаш касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Айниқса ёш моллар бундай ўзгаришларга сезувчан бўладилар.

Шунинг учун ҳайвонларни нам зах биноларда сақлаш, буруннинг яллиғланиши бронх ва урка касалликларни келиб чиқишига сабабчи бўлади. Ошқозон – ичак, мастит, туберкулез, трихофития касалликлари ҳамда молларни маҳсулдорлигини камайиб кетишига олиб келади. Юқори намлик ва ҳаво ҳароратининг ўзгариб туриш ҳайвонларнинг физиологик ҳолатига маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

И.М.Голосов (1971) ва бошқалар ўз илмий ишларида 2-гурух ўсишдаги бузоқларни ажратиб 1-гурух бузоқлар намлиги 90-100 %, ҳавонинг ҳарорати $+2 +10^{\circ}\text{C}$ бўлган молхонада 2- гурух бузоқлар намлиги 80-90 %, ҳавонинг ҳарорати $+1 - 15^{\circ}\text{C}$ бўлганида тажрибанинг охирига келиб 1 – гурух бузоқларнинг қонида гемоглобин ва эритроцитларнинг миқдори 12,8

%, лейкоцитларнинг фагоцитар активлиги 15,7% га, лизосим миқдори 3 баробарга тажриба гуруҳига нисбатан кам бўлиб бузоқларнинг кунлик ўсишининг 15- 20 % камайганини кузатганлар. Совуқ иқлим шароитларда ва иссиқликни меъёрида бўлиши ҳаво алмашинувини камайиши совуқ ҳавони қиш ва ўташ даврида бўлиши натижасида намликни 80% ошиши натижасида, бузоқларнинг табиий чидамлилиқ қобилятини пасайиши натижасида бўлиши ва 15-20% нобуд бўлиши аниқланган. Атмосфера ҳавосининг бўлиши ёки қуруқ бўлиши ҳайвонларнинг умумий физиологик ҳолатига табиий чидамлилиқ қобилятига таъсир қилади. Шунинг ҳайвонларнинг соғлигини сақлашга, маҳсулдорлигини оширишда микроиқлим кўрсаткичларни меъёрида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ташқи муҳит ҳарорати билан ҳайвонлар организмига ўртасидаги иссиқлик алмашинуви тескари қарама - қаршилиқ бўлиб ҳаво ҳароратининг пасайиши ҳайвонлар организмида модда алмашиниш жараёнининг кучайишига, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши модда алмашинувининг пасайишига олиб келади.

Адабиётлар таҳлилидан маълум булдики микроиқлим кўрсаткичлари бузоқларни сақлаш усуллари маълум даражада улар организмига таъсир қилади.

III. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАХЛИЛИ

Самарқанд вилояти Пайарик тумани “Муллатоҳир” фермер хўжалиги 1997 йилда ташкил этилиб хўжалик асосан чорвачилиқ ва дехқончиликга

ихтисослашган. Фермер хўжалиги дастлаб 60 гектар сугориладиган ерга деҳқончилик ва 40 бош қора мол билан чорвачилик буйича иш бошлади. 2010 –йилга килиб суғориладиган йир майдони 60 гектарга йитказди чунки 20 гектар ер майдони бошқа фермер хўжалигидан олиб берилади. Бу вақтда қорамоллар сони 60 бошга йитказилади. 2010 йилга келиб қора молларни боқиш учун 40 гектар яйлов ҳам ҳокимлик томонидан ажратилиб берилади. Қорамолчилиқни ривожлантириш учун қушимча яна 5 гектар суғориладиган йир ажратилиб берилади. Деҳқон фермер хўжалигида ердан фойдаланиш тулиқ амлга оширилиган белгиланган ер майдонидан тулиғича фойдаланиб келинмоқда. Ердан фойдаланиш даражаси қуйдаги жадвалда келтирилган .

Деҳқон фермер хўжалигида ер майдони (га) ҳисобида

1- Жадвал

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	Салмоғи	2010 йил		2011 йил
		Ер майдони		Ер майдони	Солмоғи	Ер майдони
1	Жами ер майдони	102		102		110
2	Шундан суғорилади	42		42		50
3	Яйловлар	40		40		40
4	Томорқалар	20		20		20

Жадвалдан куриниб турибдики 2008 – 2009 йиллар жами ер майдони 102 гектар бўлиб шундан асосий қисми суғориладиган ва яйловлардан иборат. Лалмикор йирларнинг 70 ғойизи ғалла екиладиган булса қилган 30 ғойиз 15 гектарида олишга қолдирилиб хар хил екинлар екилади суғориладиган 10 гектар ернинг 3 гектари боғ қолган 8 гектардан 5 гектари бедапоysi 5 гектарни маккажухори 2 гектари хашаки ловлаги екилади. 2008 йилга келиб суғориладиган ер майдонига 8 гектар қушлиб 50 гектарга йитказилади .

Хўжалиқда чорва моллари қорамоллардан иборат бўлиб пода таркиби қуйдаги жадвалда келтирилган.

2- Жадвал

Дехқон фермер хўжалигида пода таркиби (бош)

№	Кўрсаткичи	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Қорамоллар жами	43	55	65
2	Наслли буқа	2	2	2
3	Сигирлар	12	15	20
4	Урғочи таналар	10	15	18
5	Эркак буқалар	5	8	8
6	Бузоқлар	8	10	15

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра деҳқон-фермер хўжалигида пода таркибининг асосий қисми қорамолга сигирларни махсулдорлиги камаяди ва яхши катталарини куплаб гушт учун бурдоқиланиб сўйилади. Деҳқон фермер хўжалигида ишловчиларига тақсимот арзон нархларда берилмоқда. Сигир сутини бир қисмининг сифатида бозор нархида сотилмоқда ва хўжаликда ишлатилмоқда.

Дехқон фермер хўжалигида озиқа миқдори (тонна)

3- жадвал

№	Озиқалар тури	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Дағал озиқалар	75	85	98
2	Ширали озиқалар	80	100	110
3	Кучли озиқалар	60	65	71

Деҳқон фермер хўжалигида озуқанинг асосий қисмини хўжаликларнинг бузоқларни етиштирилади. Дағал озуқанинг асосий қисмини яни 40-45 % буғдой сомони ташкил этиб қолган қисмини беда тугуни маккажухори пояси ташкил этиб маккажухорини силос бостириш йўлга қўйилмаган. Ширали озуқаларга хошони ловлаги, кўк беда ташкил қилмоқда. Хўжаликда хар бир бош шартли қора мол учун йитиштирилаётган озуқа бирлиги сифатда 7.8 озуқа бирлиги туғри келмоқда. Кучли озуқаларнинг 70-80 % Давлатдан солиб олинмоқда. Бу

ҳолат чорва маҳсулотларнинг таннархига салбий тасирини кўрсатади. Маҳсулот ишлаб чиқариш қўйидаги жадвалда келтирилган.

Дехқон фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш

4- Жадвал

№	Маҳсулот тури	Улчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Гўшт	ц	12.0	16.0	20.0
2	Сут	ц	190	250	350
3	Мева сабзавот	ц	115	120	125
4	Буғдой	ц	400	400	425

Буғдойнинг ҳар гектар ҳисобига 5.3 центнердан давлатга топширса қолган қисми хўжаликдаги ишчиларга тақсимлаб берилади .

Дехқон-фермер хўжалигидаги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи ва сотиш баҳоси қўйидаги жадвалга келтирилган.

Маҳсулотларнинг таннархи ва сотиш баҳоси (кг, сўм)

5-жадвал

№	Маҳсулот тури	2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		таннархи	Сотиш баҳоси	таннархи	Сотиш баҳоси	Таннархи	Сотиш баҳоси
1	Гўшт т/в	1650	2100	15200	2400	1415	2500
2	Сут	150	170	142	190	135	200
3	Буғдой	70	70	65	83	65	90
4	Мева сабзавот	50	70	30	120	40	200

Жадвал маълумотларига кўра гўшт ва сутнинг таннархига сотиш учун кетган харажатлар ҳам келтирилган. Маҳсулотларни сотиш баҳоси бозор ҳисобида олинган кейин ушбу чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисми дехқон-фермер хўжалигида ишчиларга арзон нархларда сотилган. Булардан

ташқари деҳқон –фермер хўжалигида махсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар ва олинган даромад қўйидаги жадвалда келтирилган.

Махсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар ва олинган даромад (минг/сўм)

6 - Жадвал

№	Махсулот тури	2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		Кетган харажат	Олинган даромад	Кетган харажат	Олинган даромад	Кетган харажат	Олинган даромад
1	Гўшт	1980	2520	2432	3840	2830	5000
2	Сут	2850	3330	3550	4750	4725	7000
3	Буғдой	2800	2800	2600	3320	2762	3825
4	Мева- сабзавот	350	805	360	1440	5000	2500

Жадвал маълумотларга кура барча махсулотларга кетган харажатларга нисбатан олинган даромад куплиги кузатилади бу эса деҳқон-фермер хўжаликларга ишни туғри ташкил этилганида деб билиш мумкин

7- Жадвал

т/р	Йиллар	Кетган харажатлар (м/сум)	Олинган даромад (м/сўм)	Соф фойда (м/сўм)	Рентабил лик даражаси (м/сўм)	Соф фойда хисобидан давлат совлиқлари эътиборга олинмаган
	Чорвачиликда					
1	2009	4855	5770	915.0	18.8	
2	2010	6020	8620	2600	43.2	
3	2011	7600	12030	4430	50.5	
	Деҳқончиликда					
1	2009	3950	5205	1210	30.3	
2	2010	4288	6940	2652	61.8	
3	2011	4658	8865	4207	90.3	

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича тахлил қилинганда 2009 йилга нисбатан кийинги йилларда анча юқори булган чорвачилик бўйича 2010 йилда рентабиллик даражаси 18,8 фоиз бўлган бўлса 2011 йилга келиб 50,5 фоизга йитган. Деҳқончиликда 2010 йилда 30.3 фоиз булган бўлса 2011 йилга килиб 90.3 фоизга этган

IV. МУАММОЛАРНИНГ ҚУЙИЛИШИ, ҚЎЛЛАНИЛГАН УСЛУБИЯТЛАР

Битирув малакавий ишининг тажриба қисми Самарқанд вилояти деҳқон фермер хўжалигида сентябр, октябр, ноябр ойларида ўтказилади. Тажриба учун 1 ойлик қора-ола зотли 10 бош аналог урғочи бузоқлар ажратиб олиниб, бузоқлар ёш ўртасидаги фарқ 10 кун атрофида. Бузоқлар

5 бошдан 2 гуруҳга ажратилади биринчи гуруҳ бузоқлар тажриба гуруҳи, иккинчи гуруҳ бузоқлар назорат гуруҳи. Тажриба гуруҳидаги бузоқлар молхоналарда сақланиб ҳар бир бош бузоқга 2м кв дан жой ажратилади, назорат гуруҳидаги бузоқлар 5 бош бостирма остида сақланиб бу ерда ҳам ҳар бир бошга 2м кв дан жой ажратилади бузоқларни озиклантириш хўжаликда тузилган рацион асосида боқилади.

Битирув малакавий ишида қуйидаги вазифаларни ўрганишни мақсад қилиб олдик:

- 1.Тажриба ўтказиш учун аналог қора –ола зотли бузоқлар ажратиб олиниб гукуҳлар тузиш
2. Бузоқхона ва яйраш майдонида микроиклим кўрсаткичларни аниқлаш ва бузоқлар организмга таъсирини ўтказиш
3. Бузоқларни озиклантириш ва озиқа сирфини урганиш.
4. Бузоқларни ўсиш ва ривожланишини ўрганиш ва уни таҳлил қилиш
5. Ўтказилган тажрибанинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш.
6. Бузоқларнинг сақлаш усули ва озиклантиришнинг ўқитиш услуги.

Бундан ташқари фермер хўжалиги шароитида экологик муоммоларни ёритиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳаёт фаолияти ҳафсизлиги масалаларини ўрганиш ҳамда ўтказилган тажриба натижаларини бўйича миллий хулосалар қилиниб хўжаликка тавсиялар бериш. Тажриба ўтказиш давомида қўйидаги микроиклим аниқланди.

1. Молхона ҳавосининг физикавий ва кимёвий кўрсаткичлари аниқланади. Ҳавонинг ҳарорати спиртли термометр ва термограф асбоби ёрдамида аниқланди бунинг учун молхонада ҳайвонларнинг жойлашишига қараб ҳар 10 кунда бир марта молхонанинг ичида ҳар бир қаторда 3-6-9 жойда қаторнинг бошида ўртасида ва охирида ҳайвонларнинг ётган ёни тик турган баландлигида аниқланиб ўртача кўрсаткичи чиқарилади.

2. Ҳавонинг нисбий намлиги август психрометри билан аниқланади. Август психрометри 2 та спиртли термометрдан тузилган. биринчи термометр (т.1), иккинчиси (т.2) кўрсаткичларини олиб қуруқ ва ҳўл

термометрлар фарқи топилиб, психрометр жадвалидан ҳул термометрнинг кўрсаткичига қараб ҳавонинг нисбий намлиги фоиз ҳисобида чиқарилади. Ҳар 10 кунда бир марта эрталаб, тушда кечқурин молхонанинг ичида ва яйраш майдончасида аниқланади ва ўртача кўрсаткичи олинади.

3. Ҳавонинг ҳаракат тезлиги анемометр билан яйраш майдонида, кататермометр билан молхонанинг ичида аниқланади. Бунинг учун шарсимон кататермометр билан молхонанинг ичида аниқланади. Бунинг учун кататермометрни $60-70^{\circ}\text{C}$ ли иссиқ сувга туширилиб резервуарини $2/3$ қисми спирт билан тўлгунча ушланиб турилади. Сўнгра кататермометр шарсимон қисми қуруқ дока билан артилиб, ҳавонинг ҳаракат тезлиги аниқланаётган жойга, яни молхонада ёки яйраш майдонида ҳайвонларнинг ётган ёки тик турган баландлигига осиб қўйилиб, спиртнинг 38°C дан 35°C гача совуш вақти аниқланиб, ҳавонинг ҳаракат тезлиги қўйдаги формула билан аниқланади. $V = [X/K - 0,20/0,40] * 2$ $V = [(X/a - 0,20)/0,40] * 2$ в-ҳавонинг ҳаракат тезлиги, м/секунд, X -кататермометрнинг индекси, K -кататермометрнинг ўртача ҳарорат кўрсаткичи билан бино ҳарорати кўрсаткичи ўртасидаги фарқ $0,20:0,40$ эмперик коэффциентлар.

4. Ҳавонинг ёруғлиги люксметр билан аниқланади. Люксметр асбоби фотоэлементдан ва иккита шкаладан иборат бўлиб, унга ёруғликни камайтириб оловчи филтрлардан тузилган. Ёруғликни аниқлаш учун люксметрни иш ҳолатига келтириб молхонанинг бошида, ўртасида ва охирида ҳайвонларнинг ётган ёки тик турган баландлигида ҳар 10 кунда бир марта 3 жойда аниқланиб, ўртачаси люксда олиниб, табиий ёруғлик коэффциенти фоиз ҳисобида аниқланади. Табиий ёруғлик коэффциенти (E), ички ёруғлик E , ташқи ёруғлик $X - 100\%$.

5. Карбонат ангидрид газини аниқлаш. Карбонат ангидрид газ Прохоров усулида аниқланади. Бунинг учун олдин Прохоров эритмаси ва 1 томчи фенолфталеин эритмаси аралаштириб, эритманинг ранги оч қизғиш рангда бўлади. Шу эритма орқали шприц ёрдамида молхона ҳавосида эритманинг ранги йўқолгунча ҳаво ўтказилиб, сарф бўлган ҳавонинг

миқдори аниқланди, шундай усулда атмосфера ҳавосидан ҳаво ўтказилиб, ҳавонинг миқдори аниқланиб қўйидаги формула ёрдамида карбонат ангидрид газининг миқдори аниқланади. $X-A/B$ 0,03% бунда А - текширилган атмосфера ҳавосининг миқдори, мл; В- текширилган молхона ҳавосининг миқдори, мл 0,03% атмосфера ҳавосидаги ўртача карбонат ангидрид газининг миқдори.

6. Аммиак газининг миқдорини универсал газоанализатор ёрдамида (УГ-2) ҳар 10 кун, бир кунда 3 марта эрталаб, тушда, кечкурун. Ҳайвонларнинг ётган ёки тик турган баландлигида аниқланади ва ўртачаси mg/m^3 ҳисобида чиқарилади.

7. Бузоқларнинг тирик массасининг ўзгариши ҳар ойга 1 нисбий ўсишларни аниқлашда тарозига тортиб аниқланади. Бузоқларнинг тирик массасининг ўсиши мутлоқ ва нисбий ўсишларнинг аниқлашда доимий қабул қилинган формулалардан фойдаланиб аниқланади. Бузоқларнинг мутлоқ ўсиши $A=W_1-W_{олт}$ бузоқларнинг нисбий ўсиши $K=W_1-W_0/W_0*100\%$.

V. МАВЗУНИНГ ЕЧИМИ ВА МАТНДА ЁРИТИЛИШИ

Ҳайвонлар қандай наслик ва зот ирсиятларига эга бўлмасин уларга зарур бўлган сақлаш асраш шароитларини яратиб берилмаса, улар уз соғлиғини ва организмнинг потенциал хусусиятларини намоён қила олмайдилар. Ҳайвонларнинг махсулдорлигига ва озуқа қабул қилишга микроклим кўрсаткичларининг таъсири катта. Молхона ҳарорати намлиги бузоқлар организмида кечаётган биохимик жараёнларга маълум даражада

таъсир кўрсатади. Паст ҳарорат, юқори ҳавонинг намлиги ва ҳавонинг ҳаракати ҳайвонлар организмдан иссиқлик ажралишини бузилишига сабабчи булади натижада етиштириладиган маҳсулот учун озуқа кўп сарф булади. Шунинг билан бир қаторда ички органлар ўртасида иссиқлик баланси бузилади. Бу эса уз навбатида ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини пасайишига олиб келади.

Тажрибадаги сақланадиган молхоналардан микроиклим кўсаткичлари сентябр, октябр, ноябр ойларида ўрганилади. Текшириш натижалари қўйдаги жадвалларда келтирилган

Молхоналардаги ҳарорат кўрсаткичлари (С⁰)

8-Жадвал

№	Ойлар	Молхонада	Яйратиш майдонида
1	Сентябр	29,5 $\pm$ 0,6	32,4 $\pm$ 2
2	Октябр	22,5 $\pm$ 1	23,2 $\pm$ 1,5
3	Ноябр	21,2 $\pm$ 1,5	23,2 $\pm$ 1,7

Жадвал натижаларини изоҳлайдиган бўлсак ҳайвоннинг ҳарорати молхоналарда ойлар бўйига деярли бирхил бўлмади. Ҳавонинг ҳарорати ўртача тажриба давомида 21,2-29,5 °С яйратиш майдонида 23,2 °-32,4 ° атрофида бўлди. Умуман олганда ҳавонинг ҳарорати 1-молхонага нисбатан яйратиш майдонида 9,2 га юқорига бўлди. Олимларнинг илмий изланишларининг кўрсатишича (Г.К.Волков, А.Т.Семенюта, И.К.Колесниковлар) ҳаво ҳароратининг меъёр чегарасидан паст ёки юқори бўлиши озиқа сарфини кўпайтиради. Ҳайвонларнинг маъсулдорлигини пасайишига ва организмда кечаётган физиологик, биохимик жараёнларини бузилишига олиб келди.

Ҳаво намлиги унинг ҳарорати каби муҳим аҳамиятга эга у организм билан муҳит ўртасида иссиқлик алманишив жараёнига таъсир қилади.

Ҳаво иссиқ вақтида намлик юқори бўласа ҳайвонлар терисидаги тер кам буғланиши туфайли иссиқлик ажралиши сусаяди. Ҳаво совуқ вақтида намлик юқори бўлса кўп иссиқлик чиқади.

Ҳавонинг нисбий намлигининг манбаи молхоналарда ҳайвонларнинг нафас олиши, суғоргичлар, охур, нам озуқалар, сийдик ва гунг чиқариш каналлари ҳисобланади.

Умумий намликнинг энг кўп қисми, 70-75% ни ҳайвонлар томонидан ажратилади. Намликнинг юқори бўлиши ҳамда ҳаво ҳароратининг юқори ва ўртача бўлиши иссиқликнинг ёмон ўтказувчи ҳисобланади. (А.П. Онегов, И.Ф.Храбустовский, В.И.Черних 1977) паст ҳароратда эса, яъни иссиқликни яхши бошқаради.

Паст ҳароратда ҳавонинг нисбий намлиги ҳайвонларда ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради, иссиқлик ажралишини бузилиши, маҳсулдорлигини пасайтиришга олиб келади.

Юқори ҳарорат ва юқори намлик озуқа таркибидаги хазм булувчи, моддаларнинг хазмланишини пасайтиради.

Биз ўзимизнинг ишимизда нисбий намликни молхоналарда ўзгаришини ўрганиб ҳайвонлар организмга таъсирини ёритишга интилдик.

Молхоналарда нисбий намлик 70-75% бўлса ҳайвонлар организмда кечаётган жараёнлар меъёр даражасида кечади. Тажриба давомидаги текширишлар натижаси қўйидаги жадвалда келтирилган.

Молхонадаги нисбий намлик кўрсаткичлари (%)

9-Жадвал

№	Ойлар	Молхоналарда	Яйратиш майдонида
1	Сентябр	55,5±3,0	52,5±2
2	Октябр	62,0±2,0	55,0±3,0
3	Ноябр	70,2±2,5	65,0±2,5

Жадвалдан кўрсаткичларини изоҳлайдиган бўлсак ҳавонинг нисбий намлиги молхонада ўртача 3-5 % яйраш майдонига нисбатан юқори бўлди.

Ҳавонинг ҳаракат тезлиги

Молхоналар ичида ҳаво ҳаракатда бўлади ва доимо бир хил ҳаракатланмайди. Ҳавонинг ҳаракат тезлиги ва унинг йўналиши вентиляцияларга, эшик-дераза очилишига, деворларни, шифтни ёриғига, ҳамда ҳайвонларни адратган иссиқлигига боғлиқ бўлади. Қиш пайтларда молхонани камчиликлари бўлмаса полдан 0,5-1,0 м баландликда (ҳавонинг ҳаракат тезлиги 0,05-0,030 м/сек атрофида бўлади. Кўз ва баҳор фаслида молхоналар ҳавосининг ҳаракати анча сусайиб, ёзда эса эшик ва ойналар очиклигида 6-7 м/сек га етади. Ҳавонинг ҳаракат тезлиги ҳайвонлар организмига иссиқлик бошқарилиш жараёнига сезиларли даражада тасир қилади (А.П.Онегов 1977 ва бошқалар.) Ҳаво ҳаракати сигирлар сақланадиган молхоналарда қиш пайтлари 0,2-0,3 м/сек дан ёз фаслида эса 0,5-1 м/сек дан ошмаслиги керак. Ҳавонинг ҳаракат тезлиги тажриба давомида текширалаётган молхоналарда қўйидаги жадвалда келтирилган.

Ҳавонинг ҳаракат тезлиги кўрсаткичлари (м/сек)

10-Жадвал

№	Ойлар	Молхонада	Молхонада ва яйратиш майдонида
1	Сентябр	0,3 - 0,5	1,5 – 2,1
2	Октябр	0,5 - 0,7	1,5 – 3,1
3	Ноябр	0,3 - 0,7	1,7 – 2,5

Жадвалдан кўриниб турибдики ҳавонинг ҳаракати тезлиги ойлар бўйича молхонага нисбатан яйраш майдонида юқори бўлди.

Молхонанинг ёритилганлиги

Ҳайвонлар организмига таъсир қиладган ташқи муҳит омиллари орасида ёруғлик дастлабги йўналишларининг бирини ишғол қилади ва фақат сезги органларига таъсир қилиб қолмай, балки бутун организмга ҳам таъсир кўрсатади. Ёруғлик сезги органи орқали таъсир қилар экан, бош

мия катта ярим шаригача тарқалиб борадиган кузғалишига сабаб бўладики, бу организмнинг умумий тонусини ўзгартиради ҳамда фаол ҳолатни қувватлаб туради. (В.М.Юрков, 1991).

Ёруғлик фактори организм ҳаёт фаолиятининг ҳамма жараёнларига таъсир кўрсатади. Қуёш нури организмнинг ўсиши ва ривожланишига ёрдам бериб моддалар алмашинуви жараёнини жонлантиради. Қуёш ёруғлиги тасирида ҳайвонлар организмида витамин Д синтезланади, чунки терида бўладиган эргостерин ультрабинафша нурлар таъсири остида витамин Д га айланади. Шу витаминнинг етишмай қолиши эса организмни суяк касалликлари ва рахитга мойил қилиб қўяди.

Ёруғлик микроиклим кўрсаткичлари ичида муҳим гигиеник аҳамиятга эга. Ёруғликнинг интенсивлиги ва давомийлиги ҳайвонлар организмига ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин. Ёруғлик муддати, ёки ёруғ куннинг ўзгариши ёш ҳайвонларга қонуний таъсир қилади. Узун ва ёруғ кун ҳайвонларни ўсиш ва ривожланиши маҳсулдорлигини кўпайишига олиб келади, ҳамда рахит ва остеоумалация касаллигини олдини олади ва ҳайвонларни жинсий йитилишини тезлаштиради. Қисқа ёруғ кун эса бунинг акси яни секинлаштиради. Ёруғликни текшириш натижалари қўйидаги жадвалда келтирилган.

Молхонанинг ёруғлик кўрсаткичлари (т.ё к.%)

11-Жадвал

№	Ойлар	Молхонада	Яйраш майдончалари
1	Сентябр	1,1 – 1,5	3,4 - 3,5
2	Октябр	1,5 – 1,7	<u>3,1 – 3,6</u>
3	Ноябр	1,5 – 1,6	3,0 – 3,4

Жадвал кўраткичларини изохласак ёруғлик кўрсаткичлари гигиеник талабга жавоб берса ҳам лекин молхонада яйраш майдонига нисбатан ўртача 1,5 – 2,5 % га кам бўлди.

Молхоналарда аммиак газининг миқдори (мг/м^3)

Молхона ҳавосидаги аммиак газининг асосий манбаи ҳар хил моддаларнинг чириши, сийдик ва молларнинг тезаги ҳисобланади.

Биолар ҳавосида намлик ортса ва ҳарорат пасайса аммиак эрийди. Бу эриган аммиак девор, пол ва тушамаларга шимилади. Ҳарорат кўтарилса ва босим пасайса аммиак қайтадан ҳавога ўтади. Аммиак газини билан оз миқдорда узоқ вақт нафас олган ($0,1\text{мг/и}$) ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ва соғлиғига таъсир қилади. Кам вақт давомида аммиакли ҳаводан кўп нафас олса, организм ҳалок бўлади. Ҳайвонлар организмга аммиак газини салбий таъсир қурсатади. Аммиак газини тезак ва сийдикнинг чиришидан ҳосил бўлади вентиляция ишламаган вақтида унинг миқдори кўпаяди. Зоогигиеник меъёрлар асосида молхоналар ҳавосида аммиак газининг миқдори $10\text{--}20\text{ мг/м}^3$ дан ошмаслиги керак. Ошган ҳолда кўзнинг шиллик пардаларини, юқори нафас олиши йўллариининг яллиғланишига сабабчи бўлиши турли хил касалликларнинг келиб чиқишига ва ҳайвонларнинг маҳсулдорлигининг пасайишига сабабчи бўлади.

Молхоналарда аммиак газининг текшириш натижалари қўйидаги жадвалда келтирилган.

Молхоналарда аммиак газининг миқдори (мг/м^3)

12-Жадвал

№	Ойлар	Молхонада	Яйраш майдонида ва молхонада
---	-------	-----------	---------------------------------

1	Сентябр	25,0-30,0	-
2	Октябр	20,0-25,0	-
3	Ноябр	24,0-35,0	-

Жадвалда кўриниб турибдики аммиак газининг миқдори ойлар бўйича биноларда бир хил бўлмади. Аммиак газининг миқдори молхонада яйраш майдониغا нисбатан $10-15 \text{ мг/м}^3$ юқори бўлди. Бу ҳолат бузоқларнинг организмига маълум миқдорда ўз таъсирини кўрсатади.

Молхоналарда карбонат ангидрит газининг миқдори (%)

Молхоналар ҳавосида карбонат ангидрид газининг кўпайиши ҳайвонларни соғлиги ва маҳсулдорлигига таъсир қилади. Бундай шароитда организмда оксидланиш жараёни қийинлашади, организмнинг ҳарорати пасаяди, тўқималарда кеслоталик муҳим ортади ва натижада дисидомик шишлар ва суякларнинг деминералланиши пайдо бўлади.

Нафас олиш ҳавосида карбонат ангидрид 0,5% ва ундан ортиқ миқдорда кўпайса, ҳайвонларда қон босими ортади, нафас олиш ва пульс тезлашади. Бу эса нафас олиш органлари ва юракга ортиқча куч тушади. Агар CO_2 4-5% бўлса юқори нафас олиш ва юракнинг уриши тезлашади. Ҳайвон бушашади, иштахаси пасаяди ва аста - секин ариқлайди.

Олимларнинг текширишича молхоналар ҳавосида карбонат ангидрит газининг миқдори меъёрида 0,15-0,20% дан ошмаслиги керак. Карбонат ангидрит газининг тажриба давомида текшириш натижалари кўйидаги жадвалда келтирилган.

Карбонат ангидрит газининг миқдори (%)

13-Жадвал

№	Ойлар	Молхонада	Молхонада ва яйраш майдонида
1	Сентябр	0,20-0,25	0,02-0,3
2	Октябр	0,25-0,30	0,02-0,3

3	Ноябр	0,15-0,25	0,02-0,3
---	-------	-----------	----------

Жадвал натижалари шуни кўрсатадики молхоналарда карбонот ангидрид газининг миқдори гигиеник меъёрлар атрофида сақланиб турди.

Хулоса қилиб айтганда аниқланган микроиклим кўрсаткичлари тажриба давомида ўзгариб турган бўлса ҳам молхонада сақлаганга нисбатан яйраш майдонида сақлаганда бир мунча яхши бўлди. Бу эса бузоқларнинг кунлик ўсишига маълум даражада таъсир қилди.

VI. Бузоқларни сақлаш боқиш ва озиқлантириш.

Чорвачилик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда хайвонларнинг ўсиш ривожланишига маҳсулдорлигига таъсир кўрсатадиган омиллардан энг асосийлари уларни сақлаш, боқиш ва озиқлантириш бўлиб ҳисобланади. Бузоқларни зооветернария талабларига жавоб берадиган шароитга сақлаб

Ўсиш ривожланишини махсулдорлиги ҳисобга олган ҳолда рацион тузиш бизнинг тажрибаларни асосий вазифалардан биридир. Бузоқлар тутилганидан то 10-кунлигигача онаси билан сақланади. Кейинчи уларни ажратиб алоҳида катакларда бузоқхонада сақлаб то 1 ойлигигача қўл билан оғиз сутни кейин эса ёғ олинган сут берилиб боқилади.

Бузоқлар 2 ойлигигача сақланади. Тажрибадаги бузоқлар сақланадиган бузоқхона ҳамма зоогигиеник ва ветеринария санитария талабларига жавоб беради. Ёнида яратиш майдонлари ҳам мавжуддир. Бузоқхонада ҳар бир бош бузоқ 0,8 -1,2 м. кв жой ажратилган ойликдан бошлаб эса ҳар бошга 2 м² дан жой ажратилган бузоқлар учун ҳар бир бошга 0,4 -0,6 м кунлигда охир ўрнатилган. Бузоқхонадаги жами бузоқлар озиқлантириш рацион асосида озиқлантиради. Хўжаликдаги урғочи бузоқлар пода таркибини тулдириш учун эркеклари бурдоқига боқиш учун парваришланади. Илмий тадқиқот учун ажратиб олинган бузоқлар 5 бошдан 2- гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ тажриба гуруҳи бузоқхонада, ва иккинчи гуруҳ яйратиш майдонда айвон остида сақланди. Тажрибадаги бузоқлар бир хил рацион асосида боқилиб, рационда хўжаликда етиштириладиган озиқалар асосий ўринни эгаллаган. Бузоқлар рацион тузишда асосий нормативлар ва тавсияномалардан фойдаланилди.

Тажриба учун олинган 2-6-ойлик бузоқларига тузилган рацион қўйидаги жадвалда келтирилган.

2 ойлик бузоқлар учун озиқа рацион

14-Жадвал

Озукалар тури	Микдор, кг	Озука бирлиги	Ҳазм протеин, г
1. ёғи олинган сут	3	0,90	99

2. оброт	2	0,26	70
3. кук беда	4	0,80	184
4. омихта ем	0,7	0,52	68
5. ош тузи	10		
жами		2,48	421

Жадвал маълумотларидан шу нарса маълумки 2-6 ойлик бузоқлар учун тузилган рационда озиқа бирлиги 2,48 га тенг бўлиб хар бир озиқа бирлигига 169,7 гр хазмлувчи протеин тўғри келади. Бу рацион асосий меъёрларга тўғри келиб бу бузоқларни яхши ўсиш ва ривожланишни таъминлайди. Бузоқлар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган озуқа миқдорини аниқлаш учун берилган озуқаларни охирида қолган қолдиқларининг тўпланиб оғирлиги аниқланган ҳолда бирлиги оғирлиги орасидаги фарқи топилган ва қолдиқ қолмагани кузатилган. Қолдиқ озуқа миқдори биринчи гуруҳда кўпроқ эканлиги кузатилган. Рацион таркибини таҳлил қиладиган бўлсак барча озуқаларнинг 41,2% ни ширали озуқалар, 7,2% кучли озуқалар ва 51,5% ташкил этган.

4 ойлик бузоқлар рацион

15- Жадвал

№	Озиқа тури	Миқдори (кг)	Озуқа бирлиги	Ҳазм протеин	Са,г	Р, г	Каротин, мг
1	Ёғи олинган сут	5	0.65	175	7.0	5.0	-
2	Кўк беда	7	1.54	266	31.5	7.0	308
3	Омихта ем	0.8	0.60	77.6	1.6	2.88	2.0
4	Ош тузи	0.01	-	-	-	-	
	Жами	-	2.79	518.6	40.1	14.88	310

6- Ойлик бузоқлар рацион

16- Жадвал

№	Озуқа тури	Миқдори,	Озиқа	Ҳазм	Са ,г	Р,г	Каротин,
---	------------	----------	-------	------	-------	-----	----------

		кг	бирлиги	протеин,г			мг
1	Сомон	5	1,0	25,0	34,0	10,5	20
2	Кук беда	12	2,64	456,0	54,0	12,0	528
3	Омихта ем	1,5	1,12	145,5	3,0	5,4	3,9
4	Ош тузи	-	-	-	-	-	-
	Жами	-	4,76	626,5	114	27,9	551,9

Ташкил қилган бу кўрсаткичлар ҳар ой давомида узгариб турган бузоқларни икки ойлиги сут рационнинг асосини ташкил этган, кийинги ойларида кук беда ва омихта ем миқдори ошириб берилган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки озиқлантириш шароити бир хил бўлган гуруҳларда тажрибадаги бузоқлар яхши ушиб ривожланган. Гуруҳлар орасидаги озиқлантириш бўйича яъни қолдиқ қолган озиқалар орасидаги фарқ бузоқларни сақлаш шароитига боғлиқ эканлигидан далолат беради. Ҳайвонларнинг истеъмол қилган озиқасига ҳақ тулашни аниқлаш учун унинг ўсиш кўрсаткичларини таҳлил қилиб қўйидаги натижалар олинди. Бу натижалар қўйидаги жадвалда келтирилган.

Жами тажриба давомида сарфланган озиқа миқдори (кг)

17- Жадвал

№	Озиқа тури	Миқдори , кг	Озиқа бирлиги	Ҳазмланувчи протеин, кг
1	Ёғи олинган сут	90	27	297

2	Обрат	210,0	27,3	7.350
3	Кук беда	860	189,2	32,680
4	Сомон	150	33,0	1,35
5	Омихта ем	90	81,0	10,8
6	Ош тузи	0,8	-	-

Ушбу жадвалдан маълумотларини тахлили шундан иборатки тажриба давомида бузоқларга берилган озиқалар таркибидаги хазимланувчи протеиннинг умумий миқдори 10,8 кг га тенг бўлган. Тажриба давомида бузоқларнинг тирик вазни билан бир қаторда улар томонидан истеъмол қилинган озуқалар миқдори ҳам ҳисобланиб борилди.

Бузоқлар томонидан истеъмол қилинган озуқа миқдорини аниқлаш учун берилган озуқаларнинг охирда қолганлари алохида турлари бўйича турланиб оғирлиги аниқланди ҳамда озиқа бирлиги оғирлиги орасидаги фарқ топилди. Асосан кук беда ва сомон ҳисобидан бўлади. Қолдиқ озуқалар асосан назорат гуруҳида кўпроқ эканлиги кузатилди.

Рацион таркибини таҳлил қиладиган бўлсак барча озуқаларнинг миқдори 4-ойлигида асосан ширали озуқалар бўлган бўлса кейинг ойларда дағал дағал озуқалар ҳам қушилиб уларнинг миқдори ўзгариб борди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки озиқлантириш бир хил бўлган гуруҳларда тажрибадаги бузоқлар яхши ушиб ривожланган гуруҳлар орасидаги озиқлантириш бўйича қолдиқ қолган озуқалар орасидаги фарқ бузоқларни сақлашга боғлиқ.

Тажрибадаги бузоқларнинг 1 кг ўсиши учун сарфланадиган озуқа бирлиги

18- Жадвал

№	Кўрсаткичлар	тажриба гуруҳи	назорат гуруҳи
1	Тажриба бошида бузоқларнинг	24,5	24,8

	тирик оғирлиги, кг		
2	Тажриба охирида бузоқларнинг тирик оғирлиги	132,8	119,6
3	Тажриба давомида 1 бош хайвоннинг мутлоқ ўсиши, кг	108,3	94,8
4	Уртача кунлик семириш, г	601,7	526,7
5	Жами сарфланган озуқа бирлиги	454,8	454,8
6	1 кг семириш учун сарфланган озуқа бирлиги.	4,2	4,8

Жадвал кўрсаткичлар шундан далолат берадиган тажриба давомида олинган қушимча тирик вазн тажриба гуруҳида 132,8 бўлиб. Кунлик семириш эса назорат, гуруҳида 526,7 г бўлиб тажриба гуруҳига нисбатан 75 г кам демакдир.

Бузоқларнинг кунлик семириши тажриба давомида бир хил бўлмаган. Бузоқларнинг кунлик ўсиши ўртача тажриба гуруҳида 601,7 г тўғри келган бўлса назорат гуруҳида 526,7 гр ташкил қилган. Тажриба охирида кунлик ўсиш бўйича тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 75 г га юқори бўлган. Бузоқларни 1 кг қўшимча вазн учун сарфланган озуқаси тажриба гуруҳидан 4,2 озуқа бирлиги тўғри келган бўлса назорат гуруҳида бўйича нисбатан 0,6 озиқа бирлиги кўп сарфланган.

Хулоса қилиб айтганда тажрибадаги бузоқларнинг доимий равишда яйратиш майдонида айвонлар остида сақлаганда сарфланадиган озиқа бузоқхонада сақлаганга нисбатан тенгдошларини жадал ўсиши кузатилади.

Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига сақлаш усуллари таъсири

Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига насли хусусиятлари билан бир қаторда уларни зарур бўлган зоогигиеник шароитлар етарли булмаса

улар уз соғлиги ва ўсиш қобилитини сақлаб қола олмайди. Тажриба давомида бузоқларни ўсиш ва ривожланишига сақлаш усуллари таъсири қуйидаги жадвалда келтирилган.

Бузоқларнинг тирик вазнининг ўзгариши (кг)

19-Жадвал

№	Бузоқларни ёши (кун)	Тажриба гурухи	Назорат гурухи
1	Туғилганида	36,0	36,0
2	1 ойлигида	54,0	50,0
3	2 ойлигида	70,0	67,0
4	3 ойлигида	85,0	80,0
5	4 ойлигида	100,0	93,0
6	5 ойлигида	107,0	101,0
7	6 ойлигида	121,0	112,7

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики бузоқларнинг тирик вазнининг ўзгариши тажриба гурухида ойлик ёшида 36 кг, 2 ойлик ёшида 18 кг га 3 ойлик ёши да 16 кг га, 4 ойлик ёшида 21 кг га, 5 ойлик ёшида 7 кг га 6 ойлик ёшида 14 кг га юқори бўлган. Шундай хулоса қилиш мумкинки бузоқларни эркин холда яйратиш майдонларда сақлаш, уларнинг тирик вазнининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Худди шундай ўзгаришлар бузоқларнинг кунлик, мутлоқ ва нисбий ўсишидан ҳам намоён булади. Бузоқларнинг яйраш майдонида сақланганда кунлик, мутлоқ ва нисбий ўсиш қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики бузоқларнинг тирик вазни 1 ойлик ёшида 36 кг ўртача кунлик ўсиши 600 кг мутлоқ ўсиши 18 кг нисбий ўсиши 50 % га туғри келган. Бузоқларнинг тирик вазни 3 ойлик ёшида 70 кг ни кунлик ўртача ўсиш 700 г мутлоқ ўсиш 21 кг га туғри келиб нисбий ўсиш 28,1 % ни ташкил этади. Бузоқларнинг 4 ойлик ёшида тирик

вазни 91 кг га (ўртача ўсиш 700г, мутлоқ ўсиш 21 кг нисбий ўсиш 31% га) туғри келади.

Бузоқларнинг ёшига қараб бинода сақлаганда тирик вазнининг мутлоқ ва нисбий ўсиши қўйидаги жадвалда келтирилган.

Бузоқларнинг ўсиши

21 – жадвал

№	Бузоқларнинг ёши (ой)	Тирик вазни, кг	Кунлик ўсиш,г	Мутлоқ ўсиш, кг	Нисбий ўсиш, %
1	1 ойлигида	36,0	460	14	38,8
2	2 ойлигида	50,0	566	17	34,0
3	3 ойлигида	67,0	433	13	19,4
4	4 ойлигида	80,0	433	13	16,2
5	5 ойлигида	101,0	266	8	8,2
6	6 ойлигида	112,7	366	11	10,8

Жадвал маълумотлари тахлили шуни кўрсатадики бузоқларнинг тирик вазни 1 ойлик ёшида 36 кг кунлик ўсиш 460 г мутлоқ ўсиш 14 кг нисбий ўсиш 38,8 % ни ташкил қилган.

2 ойлик ёшида тирик вазни 50 кг бўлиб нисбий ўсиш 34,0 % ни ташкил етган бузоқлар 4 ёшга келиб мутлоқ ўсиш 13 кг ташкил этган бунда 433 г ни ташкил этиб тирик вазни 112.2 кг га тўғри келган.

Умуман айтганда бузоқларнинг ўсиши ривожланиши бинода сақланганлигига нисбатан айвон остида эркин ҳолда сақланганда бузоқларнинг тирик вазни 121 кг бўлиб, молхонада сақлаганда эса 112,1 кг ни ташкил қилган.

Кунлик ўсиши эса яйратиш майдончасида ўртача 469 г ни ташкил этса молхона ёки бинода 420 г ни ташкил этади, бу эса 49 г га га юкори демакдир.

VII. ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Бугунги бозор иқтисодиёти даврида етиштирилаётган махсулотларни сифатига бўлган талаб тобора кўпаймоқда. Махсулот қанчалик сифатли ишлаб чиқарилиб рақобатбардош бўлса, уни бозордаги харидорлиги ҳам кўтарилади. Махсулотни етиштирган корхонанинг шаклидан қатъий назар уни сотишдан олинган фойда кўпаяди.

Иқтисодий ислохатларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа мулкӣ муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти мулкӣ ҳуқуқӣ эгалари кўлига беришни тезлаштириш, тадбирколик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

Чорва махсулотларини етиштиришни зоотехникавий жихатдан баҳолашда махсулот бирлиги ҳисобига сарфланган озиқаларнинг тўйимлилиги ҳисобга олинади. Чунки сут махсулотларини етиштиришда умумий харажатларнинг 50 % га яқини, гўшт учун боқишда 70 % ни озиқалар харажатлар ҳамда хайвонларни сақлаш ва парваришлаш, микроклим кўрсаткичларининг таъсири ташкил этади.

Бизга маълумки хайвонларни боқиш ва ўргатишдан мақсад улардан арзон ва сифатли махсулот олишдир. Ҳар бир ўтказилган тажриба зоотехникавий кўрсаткичларни зрганиш билан биргаликда иқтисодий самарадорлик даражаси ҳам ўрганилади. Шунинг учун биз тажриба охирида бузоқларни 6 ой давомида боқининг иқтисодий кўрсаткичларини таққослаб ўргандик.

Чорвачилик махсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги чорва молларини боқини тўғри ташкил қилиниши арзон нархли тўйимли озуқалар билан таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқдир.

Тажриба давомида бузоқларнинг тирик вазнини ўзгаришига озуқа сарфи ўрганилади.

**Бузоқларнинг ўртача кунлик тирик вазнининг ўсишига озиқа сарфи,
(кг)**

22-жадвал

Гр	Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
		Бинода	Яйратиш майдрнида
1	1 бошдан олинган ўсиш	76,7	85.0
2	Ҳазмланувчи протеин кг	33,1	35,1
3	1 кг ўсишга озуқа сарфи о\б	3,32	3,02
4	Сарфланган хазмланувчи пртеин	470	426

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, бинода сақланганда очик майдонда сақланганга озиқа сарфи бир мунча кўп сарфланган. Бузоқларни очик майдонда эркин холда ҳаракат қилиши натижасида улар организмда моддалар алмашинувини меёрда кечиши натижасида бинода сақланган тенгқурларига нисбатан 1 кг тирик массасининг ўсишига 9 % озуқа бирлиги кам сарфланган. Бузоқларни очик майдонларда эркин холда сақлаганда 1 кг тирик вазнини ўсишига 426 г хазмланувчи протеин сарфланган бўлса бинода сақланган бузоқлар эса 470 г хазмланувчи протеин сарфланганлар. Хулоса қилиб айтганда бузоқларни очик майдонларда эркин холда сақлаганда кунлик ўсишига озиқа сарфи камайиб, етиштирилган маҳсулотларнинг таннархи бир мунча арзонлашади. Бузоқларни турли хил усулларда сақлашниинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги жадвалда келтирилган

**Қора – ола зотли бузоқларнинг турли усулларида сақлашнинг
иқтисодий самарадорлиги**

23-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Гурухлар	
			Яйраш майдонида	Молхонада
1	Тажрибадаги бузоқлар	бош	5	5
2	Тажриба бошидаги оғирлиги	кг	36.0	36.0
3	Тажриба охиридаги оғирлиги	кг	121.0	112.7
4	Жами бир бошдан олинган тирик вазни	кг	85.0	76.7
5	Жами харажатлар	сўм	287.000	287.000
6	1 кг тирик вазнининг таннархи	сўм	12000	13500
7	Жами олинган даромат	сўм	1275000	1150500
8	1 кг тирик вазнининг сотиш нархи	сўм	15000	15000
9	Олинган соф фойда	сўм	988000	863500
10	Самарадорлик даражаси	%	48.0	33.4

Жадвал кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак шуни кўрсатдики назорат ва тажриба гуруҳидаги бузоқларни боқиш учун 287.000 сўм сарфланган. Гуруҳлардан олинган фойда тажриба гуруҳида 988000 сўмни ташкил қилиб назорат гуруҳига нисбатан 124500 сўм фарқ қилган.

1 кг тирик вазининг таннархи тажриба гуруҳида 12000 сўмга тўғри келиб назорат гуруҳига нисбатан 1500 сўмга арзон бўлганлигини кўрамыз. Бунинг натижасида рентабеллик даражаси тажриба гуруҳида 48,0 % ни ташкил этиб, назорат гуруҳида 33,4 % ни ташкил қилди.

Хулоса қилиб айтганда тажрибанинг иқтисодий самарадорлигидан кўриниб турибдики бузоқларни очиқ майдонларда эркин холда яйловлар асосида сақлаш хўжалик учун фойдали ҳисобланади.

Жадвалдан кўриниб турибдики бир бошдан олинган ўсиш, яйратиш майдончасида 85 кг молхонада эса 76,7 кг ни ташкил этмоқда. Бу эса молхонага нисбатан яйратиш майдонида 8,3 кг юқори демакдир.

Олинган соф фойда молхонага нисбатан яйратиш майдонида 124500 сўмга юқори бўлган.

Ушбулардан кўриниб турибдики мохонага нисбатан яйратиш майдонида сақлаш ривожланиши бу ўсишга ижобий таъсир кўрсатиб иқтисодий самарадорлик ҳам юқори бўлади.

VIII. Бузоқларнинг чидамлигини оширишда сақлаш усули ва озиклантиришнинг роли ва ўқитиш услуби.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда кадрлар тайёрлашни жаҳон андозаларни чет мамлакатларининг мутахассислари билан рақобатбардош қилиб тайёрлаш белгиланади.

Узлуксиз таълимни ислоҳ қисми негизида таълим тизимини қайта куриш таълим фан-техника ва технологияларнинг иқтисодиёти ва маданиятининг жаҳон микёсида замонавий юксизларини тубдан ўзгартириш негизида амалга ошириладаган бўлди. Бу даврда таълимнинг устиворлиги, демократлашуви. Инсон парварилашуви, ижтимоийлашуви, илмий йўналтирилганлиги унинг тарбия билан боғликлиги янада кучайтирилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда узлуксиз таълим тизимининг тузулмаси ва мазмунини замонвий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислохотлари кўзда тутилган. Бунинг учун, аввало, узлуксиз таълим тизимининг барча шаклдаги таълим муассасаларида таълим жараёни сифатини таъминловчи илғор илий-методик жихатдан асосланган услубларни амалга қўллаш лозим. Фан, техника ва илғор технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг мақсад, мазмун, услуб ва воситаларини илмий жихатдан таъминлаш педагогика фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Республикаимизнинг таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагогик кадрларга замонвий педагогик технологияларни ўргатиш, фанларга оид билимларини янада мустаҳкамлаш ва олган билимларини ўқув-тарбия жараёнига қўллай олишга ўргатиш, шунингдек, уларга педагогик маҳорат сирларини очиб беришдан иборат.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновасион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълим самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонвий технологиялар қўлланилган машғулотлар талабалар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустакил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто ҳулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилагн. Педагог бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши,

шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида талаба асосий фигурага айланади (Ишмухаммедов Р., 2004, 2007).

Таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жаарёнида замоновий ўқитиш услублари – интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланилишига оид билимлар, тажриба талабарни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Innovasiea инглизча (*innovation*) –янгилик киритиш, янгилик демакдир..

Инновация технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Interfaol («**inter**» - **bu o'zaro**, «**act**» - ҳаракат қилмоқ) –узро ҳаракат ёки кимбиландир суҳбат қилмоқ,, мутлоқ тартибда бўлишини англатади.

Дарснинг технологик харитасини қай кўриниш ёки шаклда тузуш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва қафоатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўзифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузулиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан ҳалос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятининг барча қирраларини топади.

ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА

Мавзу:	Фермер хўжалигида урчитилаётган соғин сигирларни ўстиришда зоогигиеник талаблар ва мавзуни ўқитиш услуби.
Мақсад, вазифалар	<i>Мақсад:</i> - Талабаларга соғин сигирларга зоогигиеник омилларини аҳамияти ва афзалликларини тушунтириш. <i>Вазифалар:</i> - Талабаларда мавзуга нисбатан қизиқиш ўйғониш, уларда мавзу асосисда билим ва кўникмаларни шакллантириш ва кэнгайтириш. - Мавзуга оид тарқатилган материалларни талабалар томонидан якка ва гуруҳ ҳалотида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, уларни билимини баҳолаш.
Ўқув жараёнининг мазмунини	Чорва биноларни санитария-гигиена кўрсаткичларини хайвонлар махсулдорлигига таъсири, иқтисодий самародорлигини ҳисоблаш, тажриба яқунлари бўйича хулоса чиқариш ва таклифлар бериш.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Услуб: Оғзаки баён қилиш, «ақлий ҳужум» технологияси. Шакл: Суҳбат-мунозара, кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш. Восита: Тарқатма материаллар: матнлар, расмлар, биноларнинг макети, озуқалар тўйимлилиги, тажриба натижалари жадваллари. Усул: Тайёр ёзма материаллар ва чизмалар асосисда. Назрат:

	Оғзаки назорат, савол жавоблар, кузатиш, «резюме» технологияси. Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 балли тизим асосида баҳолаш.
Кутилаётган натижалар	Ўқитувчи: Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштиришга эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш ўйғонади. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Талаба томонидан ёзма ахборотни мустақил урганиш, уни хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, савол бериш ва саволларга жавоб беришга ўргатади. Талаба: Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади.
Келгуси режалар (таҳлил ўзгаришлар)	Ўқитувчи: Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Педагогик маҳоратини ошириш. Талаба: Матн билан мустақил ишлашни ўрганади. Ўз фиркини равон қила олади. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топади, уларни ўрганади.


Ўқитувчи ўқиётган фанининг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузган технологик харитаси, унга фан ёки предметни яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашишга, тунишга (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик хаританинг талабанинг

ихтиёжидан келиб чиқган ҳолда тузулиши, унинг шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишига ва бу билан ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имконият беради.

Талабалар билимини баҳолаш – таълим жараёнининг маълум босқичида, ўқув мақсадларига эришганлик даражасини олдиндан белгилаб қўйилган мезонлар асосида белгилаш, ўлчаш, таҳлил қилиш жараёндир.

Мазкур мавзу бўйича тузилган технологик харитамизда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш учун «резюме» технологияси танлаб олинди.

Маъруза дарсларида, семинар амалий ва лаборатория машғулотларида яқка тартибда ўтказиш, шунингдек, уйга вазифа беришда ҳам қўллаш мумкин. А-3 форматдаги қоғозларда тайёрланган тарқатма материаллар гуруҳларга тарқатилади (илова).



Ўқитувчи гуруҳларнинг хулосасини сўраб, улар фикрини аниқлайди, гуруҳлар ўз хулосаси билан таништиради. Гуруҳлар фикридан сўнг гуруҳлар томонидан берилган фикрларга ёки хулосаларга изоҳ беради, ўқитувчи уларни баҳолайди, сўнгра машғулоти якунлайди.

илова

*Талабаларнинг билимини назорат қилиш учун «резюме» технологияси бўйича
топириқ бериш учун тарқатма материал*

Зоогигиеник омилларнинг хайвонлар организмига таъсири			
бир қисми ўрнига фойдаланиш		фақат фойдаланиш	
Афзаллик томонларини баён этинг	Камчилик томонларини баён этинг	Афзаллик томонларини баён этинг	Камчилик томонларини баён этинг
Хулоса:			

Малакавий битирув ишининг мавзусида таъкидлаганидек “Бузоқларнинг чидалилигини оширишда чаклаш усули ва озиклантиришнинг роли ва мавзуни ўқитиш усули” ни ўқитиш услуби

якунида хулоса қилиб ҳозирги замон фан-техника шароитида ўқитувчи ёки мутахассисларни қишлоқ хўжалигидаги янгиликларини тўла ўзлаштириладиган қилиб тарбиялашлари, касб малакаларини шакллантириш учун ўқитишнинг шакллари ва усулларини такомиллаштириб бориш зарур.

Ташқи омиллар таъсирини хайвонлар организмига таъсирини ўрганиш бўйича лаборатория-амалий машғулотлар дарсларни утиш услубияти. Зоогигиеник фанини аҳамияти аввало хайвон организмига ташқи муҳит омилларини ўрганиш билан ассланади. Зоогигиена курсини дастури ва ишчи

режасида тақидлаганидек чорва моллари сақланадиган бинонинг қурилиши ҳавоси, ёр майдони, ҳайвон учун сарфланадиган озиқаларнинг ва сувнинг гигиенаси бўйича лаборатория амалий машғулотларга зарурий миқдорда соатлар ажратилган. Бу машғулотларда талабага мавзунини ўзлаштириши бўйича қўшимчалар ҳосил қилиниш керак. Лекин зоогигиена фанининг амалий машғулотларида бошқа табобат ва биологик фанларидан фарқи қилиб, булажак зоотехния касбий-таълим педагоглар ҳайвонлар организмнинг асосий органлари ёки системаларига таъсир қилиши ва ташқи муҳит омилларини ўрганишга услублар ишлаб чиқилган. Бундай ҳол зоогигиена фанининг ўқитишда тузатилиши зарур бўлганлиги учун М.С.Найденский ўзининг илмий-амалий тадқиқотларида бўлажак зоотехник, ветеринар мутахассисларига “Ташқи омиллар ҳайвон организмга таъсири” ни ўқитишнинг уч бандга тақлиф қилади. Бу қисмлар қўйидаги кичик лаборатория, амалий машғулотдан иборат:

1. Ташқи омилларнинг ҳайвон организмга таъсири бўйича тажрибалар ўтказишни ташкил қилинган. Бу бандда талабалар тадқиқотлар ўтказиш учун шоямайдилар, тадқиқотлар ўтказишни принципларини ва усулларини ўргандилар.

2. Ҳайвон организмга турли йўللар билан таъсир қилувчи захарли моддаларга реакциясини урганиш. Нафас олиш, авкат ҳазм қилиш, териси орқали таъсир қилувчи захарли моддаларни аниқлаш усулларини урганиш.

3. Ташқи муҳит таъсирида ҳайвон организмнинг ҳолати бунда талабалар ҳайвоннинг функционал ҳолатини ўрганадилар.

Ташқи муҳитнинг ҳолати билан боғлиқ омиллар соҳасида уни ўрганишда экспресс – усулдан фойдаланилиши талаб қилади. Юқори биноларга бўлган ҳолда ташқи омиллар таъсирини лаборатория ва амалий машғулотларда ўқитишида ижодий ишлаган ҳолда, ҳар бир савол бўйича талабинини мустақил ишлашига жалб этса самара янада яхши бўлади.

IX. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Ташқи муҳит билан организм узвий боғланган бўлиб у сиз организм яшай олмайди. Ташқи муҳитдан организмни биринчидан озуқа олади, иккинчидан организмнинг ер юзасида тарқалиши ҳам уларнинг ташқи муҳит шароитларига чидамлилигига (мослашганлигига) боғлиқдир. Иссиқ ва қуруқ иқлим шароити организмларнинг яшабини чегаралайди, худди шундай ҳар қандай организм ҳам шимолнинг совуқ иқлим шароитларида яшай олмайди. Тирик организмларнинг шакли ва вазифалари ҳам ташқи муҳитга боғлиқдир. Масалан, сувда яшовчи балиқларнинг шакли, тузилиши ва муҳитга мослашиши ёки ҳаво таркибидаги кислороднинг 21% бўлиши тирик организмларда бўладиган модда алмашиш жараёни тезлигининг энг юқори чўққисини белгилайди. Худди шундай иссиқ вақтларда ўсимлик ва ҳайвон организмларини совитиш мақсадида уларнинг тана юзасидан бўладиган буғланишлар ҳамда иссиқликни тарқатиш ходисалари организмларнинг активлик фаолиятини чегаралайди. Ўз навбатида организмларнинг фаолияти ҳамда ташқи муҳитга таъсирини кўрсатади. Биз инсонлар ва барча тирик организмлар нафас оладиган кислород одатда яшил ўсимликларда бўладиган фотосинтез жараёнида ажралиб чиқади.

Дастлабки вақтларда океанларда яшил ўсимликлар ҳали бўлмаган вақтларда атмосферада кислород бўлмаган ва атмосфера таркибида метан, аммиак, сув буғлари ва водород бўлган.

Қуёш энергиясидан фойдаланувчи дастлабки яшил ўсимликлар океанларда пайдо бўлгандан сўнг атмосфера таркибида кислород пайдо бўла бошлайди. Ўсимликлар тупроқ хусусиятига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатиб туради. Ўсимлик илдизлари тупроқнинг ҳатто энг кичик ёруғчаларига кириб бориб, жинсларнинг майдалашга олиб келади.

Бактериялар ва замбуруғлар эса тоғ жинсларини нуратиб, тупроқнинг ҳосил бўлишини тезлаштирадилар. Замбуруғлар озуқа – минерал моддаларни парчалайдиган кислоталар ажратадилар, парчаланган кислоталар ажратадилар, парчаланган минерал моддалар жинслардан ювилиб, уларнинг янада емирилишини тезлаштиради.

Ўсимликларнинг чириётган қисмлари ҳам кислоталар ажратади, жинсларнинг кимёвий нурашини жадаллаштиради. Бунинг ҳаммаси тупроқнинг кимёвий таркибини ва структурасини ўзгартириши мумкин. Ҳайвонлар ажратиб чиқарган экскриментлари ёрдамида, тупроқни туёқлари билан майдалаб, ерга, уй ва ҳар хил уйлар ясаб тупроқ ҳосил қилиш жараёнида иштирок этадилар. Юқори ўсимликларнинг илдизлари тупроққа ёпишиб олиб, уларни кучли шамол ва сув еррозиясидан асрашда муҳим рол уйнайдилар. Ўсимликлар сувларнинг ер юзасидаги ҳаракатига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Чунки, ёғингарчилик кўп тушадиган жойларда сув ўша ерда тўпланиб қолмасдан, унинг бир қисми тупроқ юзасидан оқиб кетади ёки ерга шимилади ва ер ости сувларига қўшилади, қолган қисми тупроқ юзасидан ва ўсимлик барглари орқали боғланади. Шу ҳодисалар бўлмаганда эди Нью-Йорк шаҳри 60 м чуқурликдаги сув остида қолиб кетган бўлар эди.

Барглари ҳар йили тукилиб турадиган ўрмонлар баргларнинг умумий майдони ер юзаси майдонидан тўрт марта ортиқдир.

Бошқача қилиб айтганда, ўрмонларнинг ҳар бир гектарига тўрт гектар барг майдони тўғри келади. Демак, тушган ёмғир сувларининг кўпчилиги қисми барг орқали боғланади. Ўсимлик барглари орқали бўлиб турадиган буғланишлар шу ерда намликнинг сақланиб қолишига имкон туғдиради.

Чунки, буғланган сувларнинг кўпчилиги конденсацияланиб ёмғир сифатида яна қайта шу ерга ёки унга яқин бўлган жойларга тушади. Тирик организмларга таъсир этувчи муҳитнинг ҳар қандай бўлаклари экологик омиллар дейилади.

Муҳит - қуруқлик, сув, ҳаво ва ер ости қисмларидан иборат. Ташқи муҳит тушунчасидан ташқари яшаш шароитлари деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, бу тушунчага организмнинг яшаши учун зарур бўлган элементлар ёки омиллардан ёруғлик, иссиқлик, сув озиқланиши ва шу кабилар киради. Экологик омиллар 3 - та асосий гуруҳга бўлинади.

Абиотик омиллар – анорганик табиат шароитининг ёки ўлик табиатнинг йиғиндиси. Буларга ҳарорат, ёруғлик, намлик, сув, тупроқ, рельеф киради.

Биотик омиллар: бунга тирик табиат элементлари (тирик организмларнинг бир – бирига ва яшаш муҳитига таъсири) киради. Биотик омиллар фитоген ва зооген омилларга бўлинади. Фитоген омиллар деганда юксак ва тубан ўсимликларнинг организмга таъсири эътиборга олинса, зооген омиллар деганда эса организмга барча ҳайвонларнинг таъсири назарда тутилади.

Антропоген омиллар – бу инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган омиллар, яъни одамларнинг ўсимлик ва ҳайвон турлари ёки улар гуруҳларининг тузилишига кўрсатган таъсиридир. Тирик организмларга жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Ана шу омилларни айрим организмларга кўрсатган таъсири натижаси эса хилма-хилдир. Омилнинг организм ҳаёти учун энг қулай даражаси оптимал даражада дейилади. Ҳар қандай экологик омилларнинг энг юқори даражаси максимал ва энг юқори даражаси минимал бўлади. Табиийки ҳар бири тирик организм учун у ёки бу экологик омилларнинг ўз максимуми, минимуми ва оптимуми чунончи, уй пашшаси $+7^{\circ}\text{C}$ дан $+50^{\circ}\text{C}$ гача яшаши мумкин. Улар учун яшашнинг оптимум даражаси $+36 - 40^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки экологик омиллар организмларга комплекс таъсир этгандагина улар юқори натижа беради. Бу омилларнинг бирортаси ўз вақтида бўлмаса ёки етишмаса организмларнинг нормал ўсиш ва ривожланиши тугал ўтмайди. Демак, экологик омилларнинг ҳар бир организм учун зарур бўлиб, уларнинг бирини иккинчиси алмаштира олмайди. Шу сабабли экологик омиллар организм ҳаётида бир хил аҳамиятга эгадир.

Организмнинг ҳаёт фаолиятини сусайтирувчи омилга чекловчи омил дейилади. Организмларга таъсир қилувчи омилларнинг биттаси чекловчи омил бўлиши мумкин. Чунки, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг шимол томонга қараб тарқалиши иссиқликнинг етишмаслиги туфайли кечади. Демак, организмларнинг шимолга тарқалишида чекловчи омил бўлиб, ҳарорат ҳисобланса, аксинча жануб томонга тарқалишида эса чекловчи омил, бу намликдир. Омилнинг фақатгина етишмаслиги эмас балки ортиқчалиги ҳам чекловчи таъсир кўрсатиши мумкин. экологик омилларнинг ўрганиш соҳасида Ю.Либих кўп тажрибалар ўтказди. Унинг ёзишича (1840 й) екинларнинг

ҳосилдорлиги кўпинча уларнинг кўп керак бўлган элементлар (CO_2 ёки H_2O) билан чекланмайди, аксинча тупроқда кам учрайдиган ва ўсимликлар учун жуда кам миқдорда керак бўлган элементлар билан чекланади.

Демак, ўсимликларнинг ўсиши тупроқ таркибидаги минимум миқдорида учрайдиган элементга (масалан, рух) боғлиқ деган хулоса Либихнинг “Минимум қонуни” деб юритилади.

Либихнинг кўрсатишича у ёки бу омилларнинг етишмалсигина эмас, балки иссиқлик, ёруғлик ва сув каби омилларнинг ортиқчалиги ҳам чекловчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Организмлар бир омилга нисбатан кенг диапазонли толерантликка эга бўлсалар иккинчи омилга нисбатан уларда толерантлик диапазони тор бўлади. Кенг толерантликка эга бўлган организмлар ер юзида кенг тарқалган.

Тур учун шароит бирорта экологик омилга нисбатан оптимал даражада бўлмаса, шу турнинг бошқа хил экологик омилларига нисбатан толерантлик диапазони тор бўлади. Масалан, ғалласимон экинлар учун азот етишмаса уларнинг қирғоқчиликка чидамлиликлари хусусияти пасаяди. Организмларнинг кўпайиш даври нозик бўлиб, бу даврда кўпчилик экологик омиллар организм учун чекловчи омил ҳам бўлиши мумкин. Масалан, вояга етган сарф дарахти сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшаши мумкин, бироқ у намлик етарли бўлган, сув қўлламаган жойлардагина кўпайиш имкониятига эга.

Турнинг табиатда яшаши учун керак бўлган барча ташқи муҳит омиллари йиғиндиси экологик тахмон (бурчак) дейилади.

ХИХ - асрнинг охирлари ва ХХ – асрнинг бошларида кўпчилик экологлар жамоада ўхшаш жойини эгаллаган, бир – бирига экологик яқин турган турлар мустаҳкам яшай олмасликлари мумкин деган хулосага келган эдилар. Бу фикрлар кейинчалик бир экологик тахмионда учрайдиган иккита тур орасидаги рақобатчилик моделини математик тузиб чиқилганда ҳам ўз тасдиғини топди.

Ҳайвонларни сурункали юқумли касалликлардан соғломлаштириш режаси.

Истиқболли режалар тузилиб, ҳайвонларни туберкулёз, бруцелёз, ценуроз ва цистицеркоз касалликларидан соғломлаштиришга йўналтиради. Шунингдек:

- Наслчилик хўжаликларини люкоздан соғломлаштириш:
- Балиқларнинг юқумли касалликлари билан касалланишининг олдини олиш:
- Асалари яйловларини акарапидоз, бруцеллез, варратоз, паратиф ва нозематозлардан соғломлаштириш ва бошқалар бўйича истикболий режалар тузилади.

Ҳайвонларнинг юқумли касалликларини йўқотиш режалариши ишлаб чиқишда ветеринария мутахассислари ёки ветеринария мутахассисларининг комиссияси ҳайвонларини жойлаштириш, уларни сақлаш технологияси, озиклантириш даражаси ва шароити, подани тўлдириш ҳолати, барча бинолар ва бинолар ҳудудининг ветеринария – санитария ҳолати, эпизотик вазият (касалликнинг тарқалиш даражаси, касалланишга шубҳа қилинадиган ҳайвонларнинг сони) чуқур ўрганилади.

Режада карантинли – чегараловчи, ташкилий хўжалик, ветеринария – санитария, зоогигиеник ва махсус чорваларнинг мажмуи кўзда тутилиб, бажариш муддати ва бажарувчи масъул шахс кўрсатилади.

Режа ҳар бир аҳоли яшайдиган пункт, бўлим ёки фермадаги юқумли касалликларни тугатиш муддати ҳисобга олинади.

Истикболий режа туман ҳокимияти томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шундан кейингина у ҳукуқий кучга киради ва уни бажариш шартдир. Бундай режани бажаришдан бош тортадиган ёки бажаришга қаршилиқ қиладиган мутахассис ёки раҳбар шахслар ветеринария қонунчилигини бузувчилар ҳисобланади ва белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Туберкулёз (сил) ни тугатиш режасини ишлаб чиқишда унга диагностик текширишлар, умумий олдини оловчи, ташкилий хўжалик ва бошқа тадбирлар қўшилиши мумкин. уларнинг тахминий саноғи қуйида келтирилган.

- Озуқаларни ерга туширишга йўл қўймаслик;
- Гўнг чиқариш учун ишлатиладиган уловларда фермаларга озуқа келтиришни ман етиш;

- Молларнинг фермага кириш жойидаги ва унинг худудига келишдаги дезоборирлар, ветеринария – санитария тўсиқларини доимий ишлаб туришини таъминлаш;

- Бегона кишиларнинг, айниқса, туберкулёздан соғлом бўлмаган хўжаликдан келган кишиларнинг фермага ва ёзги лагерга киришини ман этиш;

- Туберкулёз билан касалланган кишиларнинг фермада хизмат қилишини ман этиш;

- Ферманинг ишчиларини қўшимча миқдорда махсус кийим-бошлар етик ва шахсий гигиена буюмлари (ювиниш идиши, совун, сочиқ ва бошқалар) билан таъминлаш;

- Хўжалик қўшни хўжалик ва туманнинг эпизоотик ҳолатини ўрганиш;

- Ҳайвонлардаги аллергия реакцияларнинг динамикаси ва натижасини таҳлил қилиш;

- Туберкулинга реакция берадиган ҳайвонларни сўйгандан кейин кўриб чиқиш;

- Зарур бўлган гистологик бактериологик ва биологик текширишлар ўтказиш;

- Хўжаликда туберкулинга ижобий реакция берадиган ва касалликнинг клиник белгиси номоён бўлган ҳайвонлар сўйиш майдонида сўйилади. Туберкулинга реакция бермайдиган ҳайвонларда ҳар 30 – 45 кундан кейин кетма – кет икки мартаба 3 ой оралиғида туберкулинизация ўтказиб, уларни олдини - олувчи назоратга қўйиш;

- Сутни пастеризациялаш ва қаймоғи олинган сутни қайнатишни ташкиллаштириш;

- Туберкулинга реакция бермайдиган сигирлардан олинган бузоқларни ажратиб боқиш, уларга соғлом сигирларнинг сути ёки онасининг қаймоғи олинган сути (обрат)дан ичириш;

- Икки ойлик бузоқларда тери ичкарисига туберкулинизациялаш;

- Туберкулинга ижобий реакция берган бузоқларни ажратиб қўйиш, кейинчалик уларни семиртириб сўйишга топшириш;

- Туберкулинга реакция бермаган бузоқларни икки мартаба 30 – 40 кун оралик ва 3 ойдан кейин яна туберкулинизациялаш;

- Фермалараро, ферма ичкарасида молларни қайта гуруҳлашни, шунингдек, соғломлаштириладиган подани келтирилган ҳайвонлар ёки хўжаликда ўстирилган ҳайвонлар билан тўлдиришни ман этиш;

- Ҳайвонларни ҳар мартаба туберкулизга текширгандан кейин барча чорвачилик биноларини уювчи натрий ва формалин аралашмасининг 3% ли еритмасидан фойдаланиб, дезинфекциялаш;

- Гўнгни биотехник усулда зарарсизлантириш;

- Касал ҳайвон сақланган чорвачилик биноларининг тупроғини тозалаш ва хавфлиларини санитар таъмирлаш;

- Чорва ходимлари учун ветеринария – санитария билимларини айланиб, одамлар ва ҳайвонлар туберкулёзининг олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига амал қилишни тушунтириш.

Режа лойиҳасини тайёрлашда комиссия таркибига туманнинг бош ветеринария ва санитария врачлари, туман ветеринария лабораториясининг директори, хўжаликнинг раҳбари, бош ветеринария врачлари ва бош чорвалар бириктирилади. Белгиланган вақт ўтгандан кейин туман ҳокимияти тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиш бўйича текшириш ўтказилади. Хўжалик раҳбарларининг ҳисоботи тингланади ва зарур бўлса, янгидан қарор қабул қилинади. Бунда режанинг бажарилишидаги камчиликлар кўрсатилади. Қўшимча тадбирлар ва унинг амалга ошириш муддатлари белгиланади.

Ўткир юқумли касалликлардан соғлом бўлмаган хўжаликлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда мажбурий ва тезкор тартибда тадбирлар ташкиллаштирилади ва амалга оширилади. Диагноз қўйилганидан кейин бирданига ўткир ўтувчи инфекция (оқсил) нинг ўчоғини тугатишни тезкор режаси ишлаб чиқилади. Тезкор режанинг мақсади ўткир юқумли касалликнинг ўчоғини ураб олиш, унинг тарқалишига йўл қўймаслик қисқа муддат ичида уни тугатиш, подани, хўжаликни ва жойларни соғломлаштиришдан иборат. Ўткир юқумли инфекцияни тугатишга қаратилган тадбирлар ҳамма хўжалик барча

аҳоли яшайдиган пунктлар ва хотиржам бўлмаган жойларни бирданига эгаллаш керак.

Ўткир ўтиши билан фарқ қиладиган касалликлардан бошқа барча инфекцияларни тугатишга қаратилган тадбирлар деярли бир хилдир.

Бироқ айрим хусусиятларга ҳам эга бўлиш мумкин бу касаллик кўзгатувчисининг хусусияти, ҳайвоннинг тури организмнинг резистентлиги ва бошқа шароитларга боғлиқ.

Одамлар ва ҳайвонлар умумий бўлган касалликларда асосий эътибор одамларнинг касалланишини огоҳлантирувчи ветеринария – санитария тадбирларига қаратилади. Бундай пайтларда ветеринария мутахассиси тезлик билан туманнинг санитария эпидимиология санитарияси (СЕС) бошлиғига хабар қилади. Тиббиёт ходимлари биргаликда ферма ходимлари ва ҳайвон эгаларининг шахсий олдини олишга қаратилган тадбирларни тузади. Лозим бўлса хизмат қилувчи ходимлар ва касалланиш хавфи туғиладиган бошқа кишиларни эмлашлар (куйдирги, кутириш ва бошқалар) ташкиллаштирилади.

Чорвачилик ва паррандачиликдан амалга оширилиши зарур бўлган барча ветеринария тадбирларини режали равишда бир пайтнинг ўзида ташкиллаштирилиши ҳамда моддий молиявий таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун барча ветеринария хизмати мутахассислари (давлат, идоравий, хусусий) ўз иши ўринларида доимий тарзда ветеринария тадбирларининг режасини тузиш ҳамда оқилона ташкил этиб ижросини таъминлашлари талаб этилади. Бу эса турли юқумли касалликларни олдини олиш ва даволаш ҳамда тугатишида муҳим аҳамиятга эга.

Ветеринария тадбирлари қуйидаги 4 – та гуруҳга бўлинади.

1. Ташкилий хўжалик тадбирлари.
2. профилактик тадбирлар.
3. ветеринария – санитария тадбирлари.
4. даволаш тадбирлари.

Ушбу тадбирларни хўжалик ветеринария мутахассислар амалга оширадилар. Давлат ветеринария мутахассислари эса тадбирларнинг

ўтказилишини назорат қилади ва кўмаклашади. Умумий профилактик тадбирлар хўжалик ва зоотехникавий тадбирлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади, чунки бу тадбирларни амалга ошириш натижасида мол сақланадиган фермаларнинг тозалигини, сифатли ва соғлом чорва маҳсулотлари, молларнинг захарланиши, юқумли ва юқумсиз касалликлар билан зарарланишини олдини олишини ишлаб чиқариш таъминланади.

Умумий профилактик тадбирларга қўйидагилар киради;

1. Молхоналарни механик тозалаш.
2. Молхона атрофини гўнг ва ҳар хил чиқиндилардан тозалаш.

Ветеринария статистикасининг маълумотлари шуни кўрсатадики, касалланган ҳайвонларнинг умумий сонини 80% идан кўпроғи юқумсиз касалликларга тўғри келиб, асосан ҳайвонларни озиқлантиришнинг бўзилиши ва уларни қониқарсиз сақлаш натижасида келиб чиқади ва чорвачилик тармоғига катта иқтисодий зарар келтиради.

Маълумки, ташкилий хўжалик ва даволаш, олдини олиш чоралари, фермаларида ветеринария – санитария маданиятини кучайтириш, умумий олдини олиш воситаларидан фойдаланиш, касал ҳайвонларни даволаш усуллари ва илғорларнинг тажрибаларини жорий қилиш эвазига чорва молларнинг юқумсиз касалликлари билан касалланиши ва ўлишининг камайиши таъминланади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юқумсиз касалликлар билан касалланишини камайтириш бу чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва унинг рентабелининг ортишига имкон яратиш демакдир. Юқумсиз касалликларнинг олдини олишда хўжаликнинг ветеринария мутахассислари катта рол ўйнайди. Қайсики, хўжалик раҳбарларининг ёрдами билан доимо чорвачилик фермаларида тегишли ветеринария – санитария шароитларини ташкиллаштириш, шунингдек, ветеринария қонунчилиги шартларини бажарилишини назорат қилиш зарур. Бу вазифаларнинг бажарилиши кўп ҳолларда хўжаликда юқумсиз касалликларнинг

олдини олиш тадбирларини тўғри режалаштириш ва ўтказишга, шунингдек, ветеринария даволаш ишларининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Касалликнинг олдини олиш тадбирларини хўжалик бўйича ветеринария пунктлари, участкалари хизмат кўрсатадиган ҳудуд бўйича эса туманнинг бош ветеринария врачлари режалаштиради. Режада қуйидаги асосий тадбирлар кўзда тутилади: ҳайвонларни клиник кўздан кечириш модда алмашинувининг бузилишини аниқлаш учун ҳайвонларни танлаб қонини текшириш, сийдигини – оксил ва ацетон сақлашга, сутни бактериялар ва механик ифлосланишига: зотли эркек ҳайвонларни (бўқа, айғир, чўчқа ва бошқалар) кенг қамровли текшириш. Сигир ва ғуножинларни генетология текшириш; озуқаларнинг сифатини (протеин, каратин, калций, фосфор кислота ва бошқа моддаларнинг сақланишига) ва сувни текшириш; чорва молларини ёзги яйловда сақлашдаги ветеринария тадбирлари; олдини олиш мақсадида антибиотиклардан АБК (аксидофил – булонли култура) ПАБК, витаминлар, биогенли стимуляторларни қўллаш; ҳайвон ва паррандаларни қишда сақлайдиган биноларни текшириш; тўғруқ биноларининг (профилакториялар) ва ғўнахоналарнинг ҳолатини назорат қилиш; ҳайвонларни деспансеризациялаш; ҳайвонларни ахталаш; қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг касалликларини олдини олиш масалалари бўйича ферма ишчилари билан семинар ва суҳбатлар ўтказиш; ҳайвонларнинг бошқа сонини сақлашда илғорларининг тажрибасини ўрганиш учун энг яхши хўжаликларга боришни ташкиллаштириш. Ўтказиладиган ёки бу тадбирларнинг вақтини ҳисобга олган ҳолда юқумсиз касалликларнинг олдини олиш учун йиллик ва чораклик режалар тузилади. Қайсики режада йилнинг бошида бўлган ҳайвонларнинг сонини эътиборга олмасдан, балки йил бўйича подада бўлган ҳайвонларнинг бош сони кўзда тутилади.

Бунинг учун йил бошида бўлган ҳайвонлар бош сони йил давомида ёш молларнинг туғилиши, ҳайвонларнинг қилиши ва чиқими эътиборга олинади.

Х. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Тажриба давомида микроиклим кўрсаткичларини тахлили шуни кўрсатадики иккала гуруҳда ҳам зоогигиеник меъёрлар асосида бўлган бўлса ҳам, тажриба гуруҳи сақланганга нисбатан яйраш майдонларида ҳавонининг ёруғлиги, нисбий намлиги, ҳаракат тезлиги зарарали газларнинг миқдори меъёр даражасидан ҳам кам бўлди.
2. Бузоқларни озиқлантиришда тажриба гуруҳида 1 кг қўшимча вазн олиш учун 3,02 озуқа бирлиги сарфланган бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан 0,2 озуқа бирлиги кўп сарфланган.
3. Тажриба давомида бузоқларнинг кунлик ўсиши ўртача тажриба гуруҳида 700 г ни назорат гуруҳида эса 473 г ни ташкил этди.
4. Тажрибанинг охирига келиб назорат гуруҳида 76.7 кг қўшимча вазни олинган бўлса, тажриба гуруҳида эса 85 кг ни ташкил қилган бу назорат гуруҳига нисбатан 8,3 кг га ортиқ.
5. Тажриба давомида жами қилинган ҳаражатлар 287000 сўмга тўғри келиб, олинган даромад назорат гуруҳидагига нисбатан 124500 сўмга юқори бўлган.
6. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда олинган соф фойда тажриба гуруҳида юқори бўлиб, рентабеллик даражаси назорат гуруҳига нисбатан 22,2 % га юқори бўлган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАКЛИФ

Ўтказилган тажрибанинг тахлили бўйича деҳқон-фермер хўжалиги шароитида бузоқларни ўсиши ривожланишини яхшилаш учун доимий равишда яйратиш майдонларида сақлашни тавсия этамиз.

XI . ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ЎзР Президентнинг ПК 308-қарори, 2006 йил 23март.
2. Каримов И.А. “ Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш рағбатлантириш кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-842-сонли қарори. Тошкент.-2008 йил 21 апрел.
3. Каримов И.А Жаҳон молиявийғ иқтисодий-инқрози. Ўзбекистон шароитида, уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. “Ўзбекистон” 2009
4. Каримов И.А Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш,халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган енг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент.2011.21 январ “Туркистон” газетасини 2011 йил 22январ 7сон.
1. Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз мамлакатимизни демократлаштириш ва янгилаш, модернизациялаштириш ва ислох қилишдир. 25 январ 2005 й. «Халқ сўзи рузномаси».
2. Каримов И.А. Эришилган марракларимизни мустахкамлаб, ислохатлар йўлида изчил бориш феврал асосий вазифамиз. «Халқ сузи рузномаси».
3. Ахметов З.И. Сезонная динамика биохимического состава крови животных Узбекистана. Изд., 1967
4. Волков Г.К Гигиена помещений для молодняка при промышленном содержании животных. Новочеркасск 1995
5. Голосов И.М. Проблемы зоогигиены в ветеринарной санитарии на животноводческих фермах. Москва 1970

6. Избосаров У.К., Мусинов Я.Х., Нуриддинов Б.Я. «Бузоклар организмига микроклим кўрсатичларининг таъсири. Самарканд КХИ. илмий тўплами 1996
7. Марков Ю.М. Зоогигиенический принципы нормирования интегральной оценки и расчетов микролимата в промышленном животноводстве. В кн. Санитария и гигиена содержания животных. Москва, 1981
8. Избосаров У.К., Мусинов Я.Х., Нуриддинов Б.Я «Кораола зотли бузокларнинг ёшига караб чидамлилиқ кобилиятини узгариши». СамКХИ илмий тўплами 1999
9. Мусинов Я.Х., Чалабоев А.Ж. Саклаш усулларининг хайвон организмига таъсири. Фан ютуқлари ва қ/х ривожлантириш истикболлари СамДУ. 2005
10. Мусинов Я.Х. ва бошқалар. Сигирларнинг йил фаслига караб чидамлилиқ кобилиятининг ўзгариши. Самарканд 1996
11. Мусинов Я.Х. ва бошқалар. Бузоклар организмига микроклим кўрсаткичларининг таъсири. СамКХИ, 2004
12. Мусинов Я.Х., Сувонкулов Ю.А. Состояние резистентности организма коров по сезонам года. Тезисы докладов научно–практической конференции молодых ученых и специалистов. Ставрополь 1991
13. Нуралиев С. Влияние микроклимата на продуктивность. Ж . Молочное мясное скотоводство 1995
14. Колеников И.К. Зоогигиенические меры повышения резистентности организма крупного рогатого скота. Ж. Ветеринария 1977
15. Онегов А.П. Храбустовский И.Ф. Гигиена сельскохозяйственных животных. Москва, Колос 1977
16. Плященко С.И. Хохлова И.М. Микроклимат и продуктивности животных. Ленинград. 1982
17. Погребняк М.П. Температурный режим для дойных коров. Ж. Ветеринария № 6, 1987
18. Родин В.И., Гоголева Е.А. Оптимальный микроклимат при интенсивном выращивании. Труды ВНИИВС, 1976

19. Рузиев Ш.М. ва бошқалар. Гигиена содержания животных в условиях жаркого климата Ж.Ветеринария №3, 1989
20. Рузиев Ш.М. Исмаев Т.Р. Гигиена выращивания телят в условиях комплексов. Новосибирск, 1983
21. Рузиев Ш.М. и др. Организация зоогигиенических режимов и технологических приемов на фермерских хозяйствах. Рекомендация. Самарканд, 2005.
22. Сувонкулов Ю.А., Мусинов Я.Х. «Кора-ола зот бузокларни ўсишига микроклимат кўрсаткичларининг таъсири. Самарканд КХИ 2003.
23. Семенюта А.Т. Гигиена крупного рогатого скота. Москва, 1987
24. Семенюта А.Т. Естественная резистентности животных в условиях промышленной технологии. Тезисы докладов. Опыт использования зоогигиенических приемов в промышленном животноводстве. Самарканд, 1982
25. Сайидахмедов Н. Педагогикада янги фикрлар. Тошкент истиқлол 2002
26. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар назарияси ва амалиёти фан дастури. Тошкент 2001
27. Тарвидас А. Бакутис Б. Изучение зоогигиенических условий содержания коров на фермах построенных по разным проектам. Тезисы докладов Итоги научно-исследовательских работ по зоогигиене. Львов, 1990.
28. Тугалов Б.А. Салахиддинова Х., Сақлаш ва озиклантириш усуллариининг бузоклар организмига таъсири. СамҚХИ илмий тўплами 2009 й
29. Торпаков Ф.. Гигиена промышленного свиноводства Москва, 1980.
30. Юрков В.М. Влияние света на резистентность и продуктивность. Москва, 1987.
31. Қулдошов О.У., Эшимов Д. Ферма ва фермер хўжаликларида ветеринария, санитария ва зоогигиеник шарт- шароитларни яратиш. СамҚХИ илмий тўплам 2009 й.

Интернет маълумотлари

<http://www.sciteclibrary.ru/texts/rus/stat/st334/06/htm>